

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

www.ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasi nashri



# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

2011-yil 26-may № 65-66 (2947) payshanba



## Сўнги кўнгирок



Бир устоздайин ўйладинг бизни,  
Нурли сабоққа йўлладинг бизни,  
Энди сўнги бор қўллагин бизни —  
Келажак сари,  
Сўнги кўнгирок.

Қолди болалик, шўхликлар ортда,  
Йўл бошидамиз — пиёда, отда.  
Неки кўрсак биз ёрқин ҳаётда,  
Ёдга сол барин,  
Сўнги кўнгирок.



Устоз ўғитин жойлаб дилларга,  
Кетаётимиз не манзилларга,  
Аммо сен билан ўтган йилларга —  
Қайтамиз ҳали,  
Сўнги кўнгирок.

Абадий тинмас дилда овозинг,  
Сергак торттирар шўх, янгроқ созинг,  
Бизнинг парвоз, бу — сенинг парвозинг,  
Янгра дил тори —  
Сўнги кўнгирок.

Кўзлаб олисда ой-юлдузларни,  
Кетаётимиз, қўлла бизларни,  
Эслаб тур гоҳи ўғил-қизларни  
Чин дўст сингари,  
Сўнги кўнгирок.



Дилда юрт ишқи, Ватан жонажон,  
Хайр устозлар, мактаб — онажон,  
Баралла янгра, янгра ҳар қачон  
Кўнгил сарвари —  
Сўнги кўнгирок.

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ

## Мактабдан — лицей ва коллежларга

**Сўнги кўнгирок.** Ёшликнинг оппоқ орзуларга тўла дамларини эслатувчи бу тадбир кишига кўтаринки руҳ бағишлайди. Айниқса, ўқувчиларнинг қувончини тасаввур қилиш қийин эмас. Кўпчилиги ўқув йилини муваффақиятли яқунлаб, камолот пиллапоясидан яна бир поғона кўтарилган бўлишса, битирувчи ёшлар мустақил ҳаёт остонасига қадам қўйишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, 2010-2011 ўқув йи-

лида умумий ўрта таълим мактабларининг тўққизинчи синфини 591 минг нафар ўқувчи тамомлади. Улар таълимнинг навбатдаги — ўрта махсус, касб-хунар тизими билан тўлиқ қамраб олинади. Буларнинг барчаси юртимизда навқирон авлод камолоти ва истиқболи йўлида кўрсатилган улкан меҳр ва эътиборнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Кеча Республика мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатидан бўлиб ўтган «Сўнги кўнгирок» тадбири ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди. Бу йил таълим масканини 303 нафар ўқувчи бити-

рапти. Ёш истеъдод эгалари таълим оладиган масканда кейинги йилларда қатор ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, 2008 йилда Италиянинг Фермо шаҳрида зарбли мусиқа асбоблари йўналиши бўйича ўтган халқаро VI кўрик-танловда Фозил Муродқулов 3-ўринни эгаллаган бўлса, кейинги йили Шомун Усубжонов 1- ва Жаҳонгир Файзуллаев 3-ўринга сазовор бўлишди. Шунингдек, 2009 йилда мактаб-интернатнинг 4 нафар ўқувчиси Қозоғистонда ўтказилган V «Астана-Мерей» номли халқаро танловнинг лауреати бўлди. Улардан Абдулазиз Ра-

ҳимбердиев ва Муҳаммад Умаров бу йилги битирувчилар ҳисобланишди. М.Умаров 2010 йилда Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган «Окно в Европу» V халқаро танловнинг симфоник чолғулар номинациясида 3-ўринни эгаллади.

— Ушбу даргоҳда олтинга тенг дамларимни кечирдим, — дейди Муҳаммад Умаров. — Устозлардан мусиқа сирларини ўргандим. Бу келажакда менга албатта асқотади. Биздан билим ва меҳрини аямаган ўқитувчиларимдан умрбод миннатдорман.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

## Дил сўзи

Баъзан икки, ҳатто бир кунлик кўнгилли дам ҳафталик, ўн кунлик ҳордиқнинг ўрнини босишга қодир. Аксинча, ўн, ўн икки кунлик дам ҳам татимаслиги, кайфиятга, соғлиққа ҳамдам бўлмаслиги мумкин. Ҳамма гап дам олиш масканидаги шароит, муҳитга, у ердаги одамларнинг яхши-ёмон хизматида хуш ёхуд нохуш муомаласига, яна турли омилларга боғлиқ.

## Кўпга татирли қисқа дам

Яқинда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг ёши улғу профессор-ўқитувчиларидан йигирма беш киши Республика касабаси уюшмалари раҳбариятининг ғамхўрлиги билан «Ўзмиллийтелерадиокомпания»нинг «Оқтош» пансионатида икки кун дам олиб қайтди. «Икки кунлик ҳордиқ ўн кунлик ҳордиққа татирли бўлди», дейишди кафедра мудирлари, профессорлар Дилором Ашурова ва Шавкат Каримов.

— Дам олиш жараёнида бир-икки мақоланинг шакли-шамойили, мазмун-моҳияти ҳаёлимда етилди, — деди таржимонлик факултети ўқитувчиси, ёзувчи Иброҳим Фафуров. — Яна Абдуазим Содиков, Аббос Ирискулов, Абдуманноп Нишонов каби кўпни кўрган, тажрибали мураббийларнинг завқли суҳбатларидан баҳраманд бўлганимизни айтмайсизми!


Бу ердаги озодалик, саришталик, таомларнинг сифати, катта-кичик хизматчиларнинг хушмуомалалиги мақташга арзигулик.

— Шунча йил ишлаб, кўпчилигимиз биринчи бор ҳамкасблар билан биргаликда дам олишга чиқшимиз. Бунинг учун университетимиз касабаси уюшма ташкилотининг ташаббускор раиси Файзулла Баҳромовга алоҳида раҳмат айтсак арзийди, — деди барчанинг фикрини ифодалаб доцент Эльвира Муродова.

Сайди УМИРОВ

## Регистонда яна «Шарқ тароналари»

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида Самарқандда дунё мусиқачилари ва санъат аҳлининг «Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади.



ЮНЕСКО халқаро маданий тадбирлари доирасига кирган мазкур анжуман тили, ирқи, миллати, юрти, маданияти ўзга бўлса-да, тинчликка талпинган диллар бирлигига хизмат қилади. Кўҳна ва навқирон Самарқанд меҳмонларга ҳозир унозир. Анжуманни юқори савияда ўтказиш учун мусиқа байрами ўтказиладиган Регистон майдони, шаҳардаги маданият ва истироҳат боғлари, меҳмонхоналарда сўнги тадориклар кўрилмақда. Қадимий шаҳарнинг сўлим хиёбону ораста кўчалари оройишланмоқда. Меҳмонларга халқимизнинг бой маданияти ва санъатини намойиш этиш, улар иштирокида турли маданий тадбирлар ташкил этишга қизгин ҳозирлик кўриляпти.

— Аввалги халқаро мусиқа фестивалларида турли юртлардан келган иштирокчилар халқимизнинг меҳмоннавозлиги, кўҳна санъатга

меҳру муҳаббати, ёшларимиздаги қадриятларга бўлган ҳурматни ҳис этишгани, — деди Маданият ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Самарқанд вилоятидаги вакили Сайфулло Раҳимов. — Шу боис ҳам унда иштирок этиш истагида бўлганлар сони ошиб борапти. Шубҳасиз, миллату элатларни санъат воситасида бирлаштирган «Шарқ тароналари» боқийликка хизмат қилади.

Самарқандликлар мазкур халқаро анжуманни уюшқоқлик билан ўтказишга астойдил бел боғлаган. Айни чоғда бадий жамоаларда тайёргарликлар бошлаб юборилди. Пастдарғом тумани 32-мактаб қошидаги «Дарғом» халқ дастаси кўпчиликка манзур бўладиган дастур устида жиддий шуғулланмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

## Ўқув-семинар

Қашқадарё вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида вилоятдаги болалар оромгоҳлари бош тарбиячиларининг ўқув семинари бўлиб ўтди.

## Мавсумга ҳозирлик

Тўрт кун давомида етакчилар ёзги соғломлаштириш мавсумини юқори савияда ўтказиш бўйича тавсиялар олишди. Оромгоҳ фаолиятини режалаштириш, маънавий-маданий тадбирлар, ёшлар онгига ватанпарварлик туйғуларини синдириш, турли кўриктанловлар, учрашувлар ташкил этиш, спорт мусобақалари, қизиқарли ўйинлар ўтказиш, бир сўз билан айтганда, ўқувчининг дам олиш наларини мароқли ва мазмунли ўтишини таъминлаш юзасидан ўзаро фикр алмашинди. Намунали оромгоҳлар фаолияти акс этган видеоёзувлар намойиш этилди.

Тарбиячилар учун «Ёзги оромгоҳларда ўқувчи-ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш» услубий қўлланмаси тарқатилди.

— 1983 йилдан буён «Шўртан қалдирғочи» болалар оромгоҳида бош тарбиячиман, — деди Бўри Тўраев. — Яққабог туманида жойлашган оромгоҳимизда бу йил ҳам мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш учун алоҳида тайёргарлик кўрилади.

Ўқув-семинар давомида вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудирлари, вилоят ва шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорат марказлари мутахассислари ҳам дарс ўтишди.

Акмал АБДИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

## Оромгоҳлар тўрт навбатда ишлайди

Фарғона вилоятида мавжуд оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш, болаларни сифатли, тўйимли овқатлантириш, соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди.

— Бу йил 21870 нафар болалар ёзги таътил даврида «Нихол», «Коинот», «Хумо», «Тонг», «Кимёгар», Сотиболдиев номли бир қатор оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришади, — дейди касабаси уюшма ташкилотлари вилоят бирлашмаси кенгаши бўлим мудирини Валишер Азизов.

Шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда 11900 нафар, мактаблар қошида ташкил этилган кундузги оромгоҳларда 9970 нафар бола дам олдирилиши режалаштирилган. Уларнинг ёзги таътил кунлари сермазмун, эса қоларли ўтиши учун ҳомий ташкилотларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Оромгоҳларнинг деярли барчасида кутубхоналар, «Маънавият ва маърифат» хоналари, турли тўғарақлар, футбол, волейбол, баскетбол, теннис майдонлари, сузиш ҳавзалари ташкил этилган. Тиббий хоналари етарли доридармон воситалари билан таъминланган. Малакали педагог-мураббийлар, шифокорлар болажонлар хизматида бўлишади. Болалар ўртасида қизиқарли спорт беллашувлари, турли мавзуларга бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга, табиат кўйнига, тоғлар ва табаррук қадамжоларга саёҳатлар уюштиришга ҳозирлик кўриб қўйилди.

Бу йилги мавсум давомида навбатлар сони 4 тага етказилади, ҳар бир навбат 12 кунлик қилиб белгиланган.

Мухаммадҷон МАХМУДОВ  
Марғилон шахри

## 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили



«Uzgermed pharm» МЧЖ Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси Юқоричирчиқ тумани Бардонқўл қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган бўлиб, «Sato» кичик корхонаси кўмагида фаолият бошлаган. Дастлаб мутахассислар ёрдамида бизнес режа ишлаб чиқилиб, «Ўзсаноатқурилишбанк»дан 1млрд. 729 млн. сўм миқдорда кредит олинди ва Хитойдан замонавий дори ишлаб чиқариш технологияси келтирилди.

## Ноёб дорилар ишлаб чиқарилади

— Шартнома аввалида хитойлик мутахассислар техникаларни ўрнатиб бериш ва 20 нафар ходимни ўқитишни ўз зиммаларига олишди. Келишувга кўра, дори воситалари линияларини 15 кун давомида ўзлари ишлатиб, дорилардан намуналар ишлаб чиқарилди.

— Ҳозирги кунда новокаин ва калций глюконат ампула дори воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, — дейди корхона раҳбари Абдурахмон Назаров. — Бунга қўшимча равишда магnezия сульфат дори воситаси ишлаб чиқариш учун ҳам рухсатнома олдик. 2015 йилга қадар ишлаб чиқариш мумкин бўлган дори воситалари рўйхатини Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этганмиз. Замонавий технологиялар ёрдамида со-


атига 20 мингтагача ампула чиқариш мумкин.

Жорий йилнинг охирига қадар дори воситалари турини 8 тага етказиш режалаштирилган. Янги линиялар ишга тушгач, яна 10 та иш ўрни яратилади.

— Бозор иқтисодиёти даврида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Завод ишга тушганига кўп бўлмаган бўлса-да, ҳозирга қадар 360 минг дона новокаин ва 30 мингта калций глюконат ишлаб чиқарилди. Шунингдек, келгусида қандли диабет ва онкологик дори воситаларини ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Бундай дори воси-

талари ҳозирча — Австрия, Германия, Ҳиндистон ва Исроил давлатларида ишлаб чиқарилмоқда.

Нарзулла МАХАМОВ,  
«Ishonch» мухбири



**Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят вакилликнинг навбатдан ташқари IV конференцияси бўлиб ўтди.**

# Вакиллик эмас, кенгаш...

Тадбирда Марказий кенгашнинг Тошкент вилоятидаги вакили Мавжуда Халилова вакилликнинг 2010 йил июнидан жорий йилнинг апрел ойигача бўлган фаолияти тўғрисида ҳисобот берди. Вилоят тармоқ вакилликнинг ўз фаолиятини меҳнаткашларнинг манфаатларини муҳофазалашга қаратиб келди, — деди М.Халилова. — Ушбу хайри ишни амалга ошириш учун иш берувчилар билан ижтимоий шериклик тамойилига асосланган ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилди. Шунингдек, амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган меъёр ва талабларни жамоа шартномалари орқали ҳаётга татбиқ этиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Айтиш керакки, вилоят вакилликнинг тизимидаги 46 та корхонада жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, улар восита-

сида 46 минг 305 нафар аъзоларнинг манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Ўтган йилнинг иккинчи ярми ҳамда жорий йилнинг биринчи чорагида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари учун 340 миллион 216 минг сўмлик ўқув қуроллари харид қилинди. 375 та кам таъминланган ёш оилаларга 31.251 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилиб, 27 нафар ёш оилаларга 43.160 миллион сўмлик фойзсиз ссудалар берилди. Ангрён кимё саноати ва Қибрай энергетика касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган кам таъминланган оилаларнинг 20 нафар иқтидорли фарзандларига 1 миллион 878 минг сўмлик устама стипендиялар тўланди, 4 нафар ёш ўқитувчиларга 400 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Лекин жойларда айрим

камчилик ҳамда муаммолар ҳам мавжудки, бундан кўз юмиб бўлмайди. Тармоқдаги корхона ҳамда ташкилотларда иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш борасидаги саъй-ҳаракатларга қарамай, биргина «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамиятининг ўзида иш ҳақидан 1460 миллион сўмлик қарздорлик мавжуд. Баъзи корхоналарда етакчиларнинг масъулиятсизлиги туфайли жамоа шартномаларининг айрим шартлари бажарилмаслиги ҳолатлари изчил равишда таҳлил этиб борилмаяпти. Шунга кўра, юқоридаги камчиликларни бартараф этиш учун барча имкониятларни сафарбар этиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. «Ўзбеккўмир» Очиқ акциядорлик жамияти бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Абдуносир Қаюмов, «Ўзкимёса-

ноатлойиҳа» институти касабакўмир раиси Галина Трушина, «Ўзбекгеофизика» очиқ акциядорлик жамияти бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Ботир Камолов, «Тошкент ИЭС» корхонаси касаба уюшма ташкилоти етакчиси Мунира Қосимова ва бошқалар маъруза юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Конференцияда тармоқ касаба уюшмаси вилоят вакилликнинг негизда вилоят кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф делегатлар томонидан маъқулланди. Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши раислигига Мавжуда Халилова сайланди. Вилоят кенгаши ҳамда раёсат аъзолари ҳам тасдиқланди. **Н.РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири**

**Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоят вакилликнинг навбатдан ташқари VI конференцияси бўлиб ўтди.**

## Масъулият янада ошди

Дастлаб тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятидаги вакили Жумакул Қурбонов вакилликнинг 2010 йил 15 июнидан 2011 йил 17 майга қадар иш фаолияти тўғрисида ахборот берди. Музокаралар жараёнидан сўнг ташкилий масалаларга навбат берилди. Яъни, Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоят вакилликнинг ўрнига тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши жорий этилди. Ўз навбатида вилоят кенгаши аъзолари, раёсат аъзолари, кенгаш раиси ва раис ўринбосари, тафтиш комиссияси аъзолари сайланди. Доимий комиссиялар тузилди. Жумакул Қурбонов бир овоздан ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши раислигига сайланди. **А. АБДИЕВ**

## Ғамхўрликдан ёришар кўнги

**Давр талабидан келиб чиққан ҳолда ҳозирда бошланғич ташкилотлар мавқеини оширишга, касаба уюшмалари тузилмасини оптималлаштириш ва тақомиллаштириш орқали касаба уюшмалари органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, аъзо ва тасарруфдаги ташкилотлар фаолиятини янада кучайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Тизимдаги ўзгаришларни айтмайсизми?**

Таклиф ва истаклар асосида санаторийларга бериладиган йўлланмалар муддати ўзгарди. Эндиликда ходимга йўлланмалар илгаригидек 5 йилда эмас, 3 йилда бир мартаба бериладиган бўлди. Шунингдек, бошланғич ташкилотларда амалда йиғилган аъзолик бадалларининг камиди 53 фоизини қолдириш, шу ҳисобдан аъзолик бадаллари ялпи тушумининг 3 фоизи миқдоридаги маблағларни ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун санаторийлар ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар харид қилиш ҳамда бошланғич ташкилотлар ҳисобидаги ижтимоий объектларни жорий ва капитал таъмирлаш, уларни сақлаб туриш мақсадларига сарфланиши кўзда тутилмоқда. Бундай эътибор ва ғамхўрлик бизни руҳлантириб, ишимизда бурилиш ясаётми.

Мактабимизда ишлаётган устоз-мураббий ва ходимлар 44 нафарни ташкил этади. Уларнинг 28 нафари педагоглардир. Шу йилнинг ўзида ўқитувчиларнинг 14 нафари директор жамғармасидан мукофот, 4 нафари моддий ёрдам олиш имкониятидан фойдаланди. Касаба уюшма аъзоларидан бир қанчасига моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ва мамарокли ташкил этиш бугунги кунда барчамизга катта масъулият юкламоқда. Шунинг учун ишчи-хизматчиларнинг фарзандларини соғломлаштириш ва дам олишини намунали ташкил этиш чора-тадбирларини кўраётимиз. Ана шу мақсадда мактаблар қошида ташкил этилаётган кундузги оромгоҳлар ва шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларни мавсумга тайёрлиш ишлари уюшқоқлик билан ташкил этилди.

**А. АБДУҚОДИРОВ, Зомин туманидаги 65-сонли умумтаълим мактабининг бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси**

**Тинч, озода ва обод элга байрамлар ярашади. Дарҳақиқат, шундай. Андижон шаҳрида бўлиб ўтган «Ободлик кўнгида бошланади» фестивали вилоят аҳли ва меҳмонлар ёдида умрбод сақланиб қоладиган бўлди. Чунки шу кун Андижон кўчалари, истироҳат боғлари ва дам олиш масканларида катта маданий-маърифий, мусиқали дам олиш дастурлари намойиш этилиб, бу тадбирлар чинакам халқ сайлига айланиб кетди.**



рин улушини қўшди. Масалан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг қарорига биноан ушбу кўнанинг 88-хонадониди яшовчи фуқаро Табассум Абдуллаевага кондитер цехини ишга тушириш муносабати билан 15 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Ушбу маблағнинг 5 млн. сўми вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан ажратилди. Бу маблағ янги иш ўринлари барпо этиш-

## Озода элга байрамлар ярашар

Бунёдкорлик ва ободлик халқимиз қонига сингиб кетган. Байрам кунини шаҳарнинг марказий ҳудудларидан бири Ўзбекистон кўчасида қад ростлаган замонавий биноларнинг очилиш маросими ҳам ўтказилди. Катта бунёдкорлик ишлари олиб борилган бу ҳудуд Андижондаги қурилишларнинг бошланишидир. Муҳтарам Юртбошимизнинг «Андижон вилоятида тураржой массивларининг коммунал инфратузилмаси-

сини жадал ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижроси бўйича дастлабки қадамлар ташланди, деб бемалол айтиш мумкин. Чунки мазкур хонадон ва савдо мажмуаларида коммунал инфратузилмалар ва тармоқларни ўрнатиш замонавий талаблар асосида амалга оширилди. Бунга бошқа ташкилотлар қатори касаба уюшмалари ҳам камта-

га йўналтирилади, албатта. Ҳа, хур ўлканинг ҳар кунини байрам бўлсин! Истиқлолнинг қутлуғ 20 йиллик тўйини меҳнатда ва ишлаб чиқаришда катта ютуқлар билан кутиб олишга дебоҳа бўлсин бу байрамлар. **Гулнораҳон АБДУЛЛАЕВА, Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси раисининг ўринбосари**

**Касаба уюшма органларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича ариза, таклиф ва шикоятларни қабул қилувчи «Ишонч телефони» рақамлари:**

№	Вилоятлар	Рақами	№	Вилоятлар	Рақами
1.	Қорақалпоғистон РКУТБ	8 361 222-68-63	8.	Самарқанд ВКУТБ	8 366 235-67-34
2.	Андижон ВКУТБ	8 374 224-56-42	9.	Сурхондарё ВКУТБ	8 376 223-16-06
3.	Бухоро ВКУТБ	8 365 223-51-15	10.	Сирдарё ВКУТБ	8 367 25-14-98
4.	Жиззах ВКУТБ	8 372 226-09-34	11.	Фарғона ВКУТБ	8 373 224-80-16
5.	Қашқадарё ВКУТБ	8 375 225-21-75	12.	Хоразм ВКУТБ	8 362 226-44-66
6.	Наманган ВКУТБ	8 369 226-85-98	13.	Тошкент ВКУТБ	8 371 256-52-69
7.	Навоий ВКУТБ	8 436 226-01-15	14.	Тошкент ШКУТБ	8 371 253-71-79, 252-34-12

## Бу муқаддас ватанда

## Эзгулик йўлида

Инсон борки, бахтиёр яшашга интилади. Орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун елиб-югуради, курашади, келажакка умид боғлайди. Ана шундай хусусиятлар Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашининг Фахрий ёрликлари билан тақдирланган Отаназар акада муҳассам. У одамларга наф келтиришни истайди.

Отаназар Курбонбоев 1951 йилда Хоразм вилоятининг Кўшкўпир тумани Хосиён қишлоғида туғилиб вояга етган. Тошкент давлат рус тили ва адабиёти олийгоҳини тамомлаб, мактабда оддий ўқитувчиликдан мактаб директорлигигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Таркибига 19 минг 600 аъзони жамлаган Агроеколог мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Кўшкўпир

туман кенгаши раиси лавозимига сайлангандан сўнг бир ғайратига ўн ғайрат қўшилди.

Касаба уюшмаси аъзоларининг ҳар бир мувожаатини ўз вақтида ижобий ҳал қилди, иш ҳақидан қарздорлик, меҳнат шароитларини яратиш, хавфсизлик каби масалалар ҳақида назоратда бўлди.

Ходимларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мукофот ва ҳақ тўланадиган қўшимча таътил, спорт ва соғломлаштириш тадбирларига маблағ ажратиш, ҳомийлик, моддий ёрдам каби бир қатор ишлар яхши йўлга қўйилди.

— Ўзгаларга зиё бахш этмоқ учун қалбинг қуёш каби ёниб порлаши лозим. Ёнмай зиё сочиб бўлмайди, дейди касабаси раиси. — Бировнинг оғирини енгил қилсам ёки қонуний ҳақ-ҳуқуқини тиклаб, адолатни юзага чиқарсам, бундан энг

аввал ўзим қувонаман.

О.Курбонбоев «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» мавзuida тармоқ касабаси уюшмаси аъзолари билан давра суҳбатлари, мароқли тадбирлар ўтказишга доимо бош-қош. Жойларда бўлиб ўтаётган очиқ мулоқотларда тараққиётнинг ўзбек модели, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади, устувор йўналиш ва тамойиллари эл манфаатига хизмат қилдиришга йўналганлигини тушунтиришга ҳаракат қилади.

Қаҳрамонимиз бадий ижод билан ҳам шуғулланади. Шеърлари туман, вилоят ҳамда республика газета-журналларида чоп этилган. Ҳозиргача еттита китоби нашр қилинган. Ўзига хос чуқур мулоҳазали, чиройли ташбеҳлар билан битилган шеърлари, дунё адабиёти-

дан қилган таржималари мухлислар қалбида гўзал туйғулар уйғотади.

Отаназар ака она Ватан мадҳини шундай қуйлайди:

**Ватан — зар тупроғим, тиниқ осмоним,**

**Қайрилмас қанотим, буюк имконим,**

**Яшнаган боғ-роғим, гўзал бўстоним,**

**Сенсан, жон мулкида қутлуг жаҳоним.**

**Бахтим, шараф-шоним, Ўзбекистоним.**

Ҳаётининг ҳар лаҳзасида ёниб яшаётган Отаназар ака яхши бир оила сарбони, меҳрибон ота ҳамдир. Етти фарзанди халқ хўжалигининг турли соҳаларида ҳалол меҳнат қилмоқда.

**Тириклик ҳикматдир, умримиз ибрат,**

**Маънида муҳассам илоҳий қудрат.**

**Келган-кетганидан бўлмас нишона**

**Эзгулик йўлида қилмасанг ҳиммат.**

Эзгулик йўлидаги одам — Отаназар ака бу мисраларни ўзининг ҳаётий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда қаламга олган. У касабаси уюшмаси аъзоларини ҳам эзгулик йўлидан дадил бориб, ҳиммат кўрсатишга чорлаб турибди.

**Иброҳим ЮСУПОВ,**  
**хуқуқшунос**

## Китоб, оғртоб ва савоб

**«Жиззах принт» масъулияти чекланган жамиятининг ва унга қарашли кичик босмаҳонанинг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо у ўз миқозларига эга бўлишга улгурди. Босмаҳона жамоаси буортмалар сонини ошириб, уларнинг бир неча хил рангда босилишини йўлга қўйди. Бугунги кунда бу ерда «Жиззах принт» МЧЖ босмаҳонаси жамоаси «Ишонч ҳудуди», «Янгибод тонги», «Мирзачўл овози», «Жиззах шифокори» каби газеталар, рангли «Антик дунё» журнали чоп этилмоқда.**

Босмаҳона жамоасининг яна бир хайрли иши борки, бу давлатимизнинг «Кучли ижтимоий ҳимоя» дастурига мос бўлиб, унинг ижросини таъминлашга қаратилгандир. Жамоа ногиронларга, ёрдамга муҳтожларга ҳомийлик кўрсатишга, уларнинг оғирини енгил қилишга ҳисса қўшапти.

Меҳнат фахрийси ва ногирони Любовь Черникова «Я серцем пишу» («Юрак амри билан ёзаман») номли китобини нашр қилолмай қийналиб юрганди. Босмаҳона жамоаси меҳнат фахрийсининг мушуқлини осон қилди ҳамда унинг китобини кўп нусхада бепул босиб берди.

1989 йилда Дўстлик туманида туғилган Маҳбуба Усмонованинг ўн тўрт ёшида кўзлари ожиз бўлиб қолди. Самарқанддаги 59-сонли кўзи ожиз болалар махсус интернат-мактабида ўқиди. Ҳозирда Жиззах шаҳридаги кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернатидан таҳсил олмоқда. У оламни қалби билан кўра олади. Атрофдаги гўзалликни дилдан ҳис қилади ва дўстлари, яқинлари суҳбатидан илҳом олади. Бундай кайфият ҳаёлида беихтиёр шеър бўлиб туғилади. Асло тушқунликка тушмайди. Ҳамиша умид, орзу билан яшайди.

**Ўткинчи дунёда яшайин кулиб,  
Ғамларни кўксимдан олайин юлиб,  
Яралганман мен ҳам бир банд бўлиб,  
Менга ҳам қачондир омад келади.**

Муаллиф ёзган шеърларини тўплаб китоб қилишга киришар экан, китобига «Йиғлама, юрак!» деб ном қўйди. У китобини нашр қилолмай юрган кунларида «Сангзор» нашриёти унинг жонига оро кириб, китобни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олди.

«Жиззах принт» МЧЖ босмаҳонасининг кичик, аммо аҳил жамоаси — цех бошлиғи Матлуба Норқўзиева, матн терувчи Жамшид Соатов, дизайнер ва чоп этивчилар Ботир Оқиллов ҳамда Жавлон Шератовлар бир ёқадан бош чиқариб, Маҳбуба Усмонованинг шеърини тўпламини бепул нашр қилиб берди.

Саховатпеша, қалби қуёш нурларидек ёруғ, оламга яхшилик таратувчи юртдошларимизнинг савобли ишлари беихтиёр Шайх Саъдий Шерозийнинг сатрларини ёдга солади:

**Яхши ишга келур яхшилик жавоб,  
Яхшининг бошига ёғилар савоб...**

**Алибой ЭРГАШЕВ,**  
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган**  
**маданият ходими**



Кўли гулдир ўзбек аёлин...

Муҳаммад КАРИМ олган сурат

## Самимий тилаклар билдирилди

**Қалби орзуларга тўла қиз — Дания Астрахан тиббиёт билим юртини тамомлаганда гўё осмонларда учиб юрарди. Аммо уруш бошлангани ҳақидаги шум хабар унинг тақдирини бутунлай ўзгартириб юборди. Ёш, серғайрат қиз урушнинг қайноқ нуқталарида жароҳатланганларга тиббий хизмат кўрсатиш билан шуғулланди. Қора кунларнинг бирида беморларни ташиётган қиз йиқилиб, умуртқа поғонаси жароҳатланди. Госпиталда бир муддат даволаниб, уйига қайтди. Аммо уруш унга яна бир шум хабар тайёрлаб қўйган эди. Онаизори очликдан вафот этган. Ақиси ва синглиси эса урушда. Ёлғиз қолган Дания нажот излаб Қорақалпоғистонга, холасиникига йўл олди. Қорақалпоқ замини одамлари уни очиқ чехра билан қаршилади.**

— У пайтлари Нукусда биттагина шифохона бор эди, — хотирлайди Дания буви. — Мен жарроҳ-ҳамшира сифатида иш бошладим. Бош шифокор Рўзубет Холмуродов билдимдон, қалби дарё одам эди. У киши менга кўп ёрдам берди. Мен ҳам ўз навбатида тажрибамни, билганларимни ҳамкасбларим билан ўртоқлашдим.

Шу тариқа Қорақалпоғистон Дания Даминавага иккинчи ватан бўлиб қолди. Ушбу юртга садоқат билан хизмат қилди. Турли эпидемияларга қарши курашларда фаол иштирок этди. Билимини, ҳаётини инсон саломатлигини муҳофаза қилишда эзгу ишга бағишлади.

Онаҳонга касабаси уюш-

малари томонидан алоҳида ҳурмат кўрсатилади. Касаба уюшмалари қандай тадбир ўтказмасин, онаҳон биринчилар қатори тақлиф қилинади. Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Қорақалпоғистон кенгаши раиси Лизаҳоним Бойбўсинова онаҳоннинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туради.

Яқинда кенгаш томонидан бир пиёла чой устида иккинчи жаҳон уруши, байналмилал жангчилар ва чернobilчи соҳа ходимларининг учрашуви ташкил қилинди. Ушбу учрашувда ҳам онаҳонга алоҳида ҳурмат кўрсатилди.

— Мақсадимиз Ватан деб, халқ деб ўз жонини гаровга қўйган инсонлар жасоратини яна бир қарра

этироф этиш, моддий ва маънавий рағбатлантиришдир, — дейди Л.Бойбўсинова. — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида тадбирга нодавлат секторда ишлаётган байналмилалчи жангчилар ҳам тақлиф қилинди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Соғиндиқ Ниетуллаев, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Данияр Ходжиев фахрийларга самимий тилакларини билдирдилар. Иштирокчиларга касабаси уюшмаларининг эсдалик совғалари топширилди.

**М.Тўрабоева,**  
**«Ishonch» мухбири**

## азиздир инсон



**Дунё хайратга тўла, ҳаёт эса ажиб гўзалликларга бурканган. Аммо инсон мол-дунё, қадр-қиммат, ишонч-эътиборни меҳнати туфайли қўлга киритади. Навоий вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси Аҳрор ака Раҳматов интилувчан, тиниб-тинчимас кишилардан. Унинг болалик йиллари Нурота кенгликларига кечган. Юқори синфларда ўқиб юрганида шароит тақозоси билан уста-қурувчи номини олган отасига яқин кўмакдош бўлиб қолди. Фишт теришми, лой сувқоми — бунинг фарқи йўқ, отасининг ёнида туради. Отаси Раҳмат Тўраев бошқа фарзандлари қатори Аҳроржоннинг ҳам ўн бармоғида ўн хунар жилоланишини истади. Кечқурунлари эса орзуманд ўспирин соатлаб китоб мутулаа қиларди. 60-70 км.лик йўл босиб, Навоий шаҳридаги 88-сонли ўрта-махсус техника билим юртида ўқиди. Кейинчалик Тошкент Политехника институтида тахсил олди...**

1985 йилда Аҳрор Раҳматовни вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси бош муҳандиси вазифасига тақлиф этишди. Навоий саноат корхонаси, вилоят агроқурилиш трестида масъул вазифаларда ишлади. Умр — оқар дарё, деганларидек, бир пайтлар шогирд саналган иқтидор соҳиб эндиликда етук устозлар сафини тўлдириб турибди. Чакка сочларида

юретишини тубдан жонлан-тириш ҳамда Низом талаблари асосида иш олиб бориш таъминланаётди.

Коллеж ва академик лицейлар маъмуриятлари билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшлар турар жойларида қулайликлар яратилишига ҳаракат қиляямиз. Ана шундай баҳамжихатлик самараси ўлароқ, меҳнат муҳофазаси бўйича бирон бир бахт-

камизнинг турли санаторийларида дам олиб қайтди. Таълим соҳасида фидойилик кўрсатаётган ёш, иқтидорли ташаббускорлардан 14 нафари Наманган вилоятида жойлашган «Кўксарой-сайёҳ» дам олиш масканида 10 кун дам олдирилди. Дам олишнинг кўнгилли кечиши учун бирлашган касба уюшма кўмитаси 1,9 млн. сўм сарфлади.

Федерация ташаббускорлигида вилоят ҳудудида ўқиб, бу йил кичик мутахассис ваколатини олаётган 16946 нафар

# Яхшиларга ёндашиб

яккам-дуккам оқ оралай бошлаганини тошойнадаги аксида кузатаркан, унда билим ва тажрибаларини ёшларга сингдиришдек хайрли истак йўлини кўргандек бўлди. Айнан ана шу истак уни вилоят ўрта-махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бош мутахассиси вазифаси сари етаклади. Кўп ўтмай уни вилоят ўрта-махсус, касб-хунар таълими бирлашган касба уюшма кўмитасига бир овоздан раис этиб сайлашди. Мана, орадан қарийб ўн йил вақт ўтибдики, 6828 нафар ўқитувчи, ишчи-ҳодимнинг эркин меҳнат қилишлари, 46606 нафар ўқувчи-ёшларнинг тўлақонли билим олишларига масъул.

— Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг V Курултойи ҳамда Федерация кенгашининг II мажлиси таҳлилларини кунт билан кузатдик, — дейди Аҳрор Раҳматов. — Олдимизда турган вазифаларнинг пировард мақсадимиз саналган юрт ободлиги ва ватан тараққиёти дахлдорлиги қалбимизга куч-ғайрат бағишлади. Айниқса, касба уюшмалари ва ижро ҳокимияти органлари ўртасида мустақкам, самарали алоқалар ўрнатилишига эришиш, аъзоларимизнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар кўлами кенгайди.

Касба уюшмаларининг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини янада ошириш мақсадида, аввало, меҳнат-кашлар ҳар бир соҳада касба уюшма иштирокини ҳис этиб туришларига эришиш талаб этилади. Бу борада етакчиларнинг ташаббускорлиги, фидойилиги алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг назарда тутган ҳолда 47 нафар етакчилардан 9 нафарини ёш, билимдон ва изланувчан кадрлар ҳисобига бойитдик. Жойларда бошланғич касба уюшма кўмиталари ишини моделлаштириш, иш

сизлик юз бергани йўқ.

Ўқувчи-ёшларнинг ўқиш давомида ўз қизиқишларини қондира боришлари учун муассасалар қошида 14 та ўқувчилар уйи, 36 та ахборот-ресурс маркази ва 12 та кутубхона, 46 та тиббиёт хоналари, 1 та спорт мажмуаси ҳамда замонавий жиҳозлар билан таъминланган 45 та спорт иншооти, шунингдек, 187 та спорт майдонлар хизмат кўрсатмоқда.

Тўғарак машғулотлари ёшлардаги изланувчанликни жонлантиради. Ушбу мақсадда 1182 та тўғарак фаолият кўрсатмоқда. Шундан 362 таси спорт, 549 таси фан, 271 таси эса касб тўғрагидир.

Вилоятнинг Кармана, Навбахор, Хатирчи туманлари, Навоий ва Зарафшон шаҳарларида жойлашган айрим коллежларда бўлганимизда бошланғич касба уюшма ташкилоти кенг, ёруғ хоналарда фаолият юритаётганини кўриб, қониқиш ҳосил қилдик. Улар зарурий жиҳоз ва меъёрий ҳужжатлар, қўлланмалар билан таъминланган.

Ҳар йили май-июн ойларида таълим муассасалари ўртасида «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши ахборот ресурс маркази» сингари қатор танловлар ўтказиш аънамага айланган. Энг асосийси, бирор бир аъзо тақлиф-истаклари эътиборсиз қолмапти.

Ёшлар билан ишлаш ҳар жиҳатдан таълим ва фан ҳодимларидан катта масъулият ҳамда изланувчанлик талаб этади. Шунинг ҳисобга олган ҳолда соҳа ҳодимларининг саломатлигини тиклашга катта аҳамият берилаётди. Ўтган йили 37 нафар ўқитувчи ва ишчи-ҳодим республи-

ка уюшма кўмитаси ҳамда собитқадамлик кўрсатмоқда.

Бу ҳақда вилоят ўрта-махсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Серек Алдамуратов шундай дейди:

— Касб-хунар даргоҳларида тахсил олаётган 2-3-босқич ўқувчиларининг бир қисми 111 йўналиш бўйича амалиёт ўташлари учун санат, муҳандислик ва қурилиш соҳасидаги ташкилотларга, қишлоқ хўжалик соҳасига йўналишларга хос тарзда бириктирилган. Битирувчилар бандлигини таъминлаш мақсадида уч томонлама шартномалар тузилган.

Минтақамиздан 250 нафар кам таъминланган, иқтидорли ўқувчи ҳамда ёш ўқувчилар қадимий Бухоро ва Самарқанд шаҳри йўналишидаги муборак қадамжолар ва асори-атиқаларни зиёрат қилиб қайтди. Айни дамда Аҳрор ака 45 нафар соҳа ҳодимлари фарзандларининг Карманадаги «Ишонч», Қизилтепадаги «Дўстлик», «Нимкон», Томди туманидаги «Арай» оромгоҳларида дам олиши учун зарур ҳужжатларни тайёрламоқда.

Аҳрор ака турмуш ўртоғи Саломат ая билан беш фарзандни эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб вояга етказди. Катта ўғли Алишер вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида хуқуқшунос, Аслидин вилоят солиқ бошқармасида бош мутахассис, кенжа ўғил Абдоржон якка тадбиркор. Гулчехраҳон ва Гулбаҳор ширин-шаҳар дилбандларни вояга етказишаётди.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**  
«Ishonch» муҳбири

**С**ўнгги йилларда Қарши шаҳар «Сувоқова» корхонасининг салоҳияти ҳар томонлама кўтарилди. Корхона жойлашган бино таъмирланиб, худуд ободонлаштирилди. Ишчи-хизматчиларнинг ҳимояси ҳамisha эътиборда. Корхона раҳбари Нормурод Ҳамзаев ва касба уюшма кўмитаси раиси Жаҳонгир Холиқов бир ёқадан бош чиқариб иш юритиши натижасида жамоа шартномасининг ҳар бир банди мукамал тузиладиган бўлди, унинг ижроси эса жамоа ишончини янада мустаҳкамламоқда.

## ЖАМОАНИНГ СУЯНГАН ТОҒИ

Ишчи Раҳим Тўраев ўғли Обиджоннинг Қарши муҳандислик иқтисодий институтида ўқиши муносабати билан шартнома пулларини тўлаши лозим эди. Рўзгор — гор, деганларидек, бунча маблағни бирданига тўлашга қурби етмади. Ана шунда яқиндагина бўлиб ўтган жамоа шартномаси муҳокамасига бағишланган конференция мажлисидаги гаплар ёдига тушди. Агар англишмаси, корхонанинг 2011-2013 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасига ҳодимларнинг турли олий ўқув юртларида тахсил олаётган тўрт нафар фарзандига «контракт» пулини тўлаб бериш ҳақида ҳам банд киритилганди.

Раҳим ака касбақўм Жаҳонгир Холиқов номига ариза ёзди. Бундай мазмундаги мурожаат ишчи К.Худойберганова томонидан ҳам қайд этилганди. Корхона раҳбари Н.Ҳамзаев аралашувидан сўнг жамоа шартномасига мувофиқ белгиланган амалдаги тартиб-қоидалар асосида касба уюшма кўмитасининг икки фоизли ажратмалари ҳисобидан талабаларнинг «контракт» пуллари ўз вақтида ўтказиб бериладиган бўлди.

Масала корхона жамоаси ва касба уюшма кўмитаси кўшма мажлисида кўриб чиқилиб, яқдил қарор қабул қилинди. Аммо ДТ Халқ банки Қарши шаҳар амалиёт бўлими ходими томонидан тўлов топшириқномаси қайтарилди, ўқув муассасаларига маблағ ўтказиб берилмади.

— Халқ банки Қарши шаҳар амалиёт бўлими бошлиғи У.Тўраев ҳамда Қашқадарё вилоят Халқ банки бош бошқармаси бошлиғи К.Сариқов номига хат билан чиқишга мажбур бўлдик, ходимлар фарзандларининг ўқув муассасаларига «контракт» пулини ўтказиш корхона жамоа шартномасининг иккинчи банди учинчи моддасида кўрсатилганини алоҳида қайд этдик. Шундан кейингина талабаларнинг ўқишига 2 миллион 400 минг сўм маблағ ўтказиб берилди, — дейди Жаҳонгир ака.

Ж.Холиқов ниҳоятда меҳнаткаш ва камтар. Керак бўлса, велосипедини минади-да, ширкатларга бориб, меҳнат шароитларидан хабар олади. Ишчиларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, хавфсиз иш шароитларини яратиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини олиб боради. Ўқувлар ташкил этади. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги муҳандиси Ш.Эшмуродова билан зарур тадбирларни амалга ошириш учун баҳамжихат иш олиб боради. Зарарли муҳитда ишлайдиганлар учун сут, қатиқ ва унга тенглаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари бериб борилаётди, улар кўшимча таътил ҳамда қисқартирилган иш кунини ҳуқуқига эга. Махсус киши ва ёзги кийимлар, пойабзаллар билан бепул таъминлаш йўлга қўйилган.

351 киши меҳнат қилаётган жамоада ёшларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, спорт ишларини йўлга қўйиш, шуғулланиш учун шароитлар муҳайё этишга жиддий эътибор берилмоқда. Тармоқ спартакиадаси ҳамда бадиий жамоалар кўрик-танловининг мунтазам ўтказилиши ҳодимларнинг спорт ва санъатга бўлган қизиқиши ифодасидир.

Ўтган йили ҳодимларнинг 60 нафар фарзанди Шаҳрисабздаги Ваҳоб Бердиев ва Яккабоғ туманидаги Йўлдош Охунбобоев номидаги болалар оромгоҳларида соғломлаштирилди. Зарарли муҳитда ишлайдиганлар мунтазам тиббий кўриқдан ўтказиб турилади. Янги жамоа шартномасида ҳодимларга бериладиган санаторий йўлланмаларининг 50 фоиз нархини вилоят касба уюшмаси ижтимоий сугурта маблағидан, қолган ярми эса корхона ҳисобидан тўлаб бериш белгиланган.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашдек машаққатли юмушни зиммасига олган жамоанинг фидойи меҳнати натижасида иқтисодий самарадорликка эришиляпти. Носозликларни таъмирловчи чилангарлар, электрпайвандловчилар, юк кўтарувчи, туширувчи, жойлаштирувчи ҳодимлар, пармалаш, йўниш, ҳар хил металл қисмлар ясовчи усталар, сувнинг таркибини аниқловчи кимёгар, микробиолог ва лаборатория ҳодимлари, оқова сувларини тозаловчи операторлар, борингки, ҳамма-ҳамма кишиларнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондириш учун туну кун меҳнат қилади.

Энг муҳими, улар яхши биладикки, савобга йўғрилган меҳнатлари албатта муносиб баҳосини олади. Бундай кафолатни уларга касба уюшма аъзолиги бериб қўйибди.

**Комила БОЙМУРОВОВА,**  
«Ishonch» муҳбири

# Адолатли ечим

Меҳнатга оид муносабатларда қонуний меъёрларга риоя этмаслик сарсон-саргардонликка сабаб бўлиши мумкин. Фуқаро Акбар Рустамов ҳам қатор йиллар ана шундай ноҳақлик жабрини тортди.



2005 йили Каттақўрғон шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходими Акбар Рустамов иш интизомини бузган дея топилиб, меҳнат шартномаси бекор қилинади. Бироқ ишдан бўшатилиш жараёнида инспекциянинг масъул ходими томонидан меҳнат дафтарчасига кўрсатилиши мумкин бўлмаган маълумотлар ҳам киритиб юборилган. Натижада, А. Рустамов бошқа жойларга ишга жойлаша олмади. Қаерга бормасин, дафтарчадаги ёзувни кўрган раҳбарлар унга рад жавобини берар эди. Охир-оқибат А. Рустамов меҳнат дафтарчасидаги ёзувнинг кейинги фаолиятига

тўсқинлик қилаётгани ҳақида касба уюшмаларига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Мазкур масалани ҳал этиш оз эмас-кўп эмас, нақ олти йилга чўзилди. Жабрдийданинг фойдасини кўзлаб чиқарилган фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди ҳал қилув қарори фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг ажрими билан бекор қилинган, яна ёзиш, яна ташвишлар бошланади. Натижада, касба уюшма мутахассислари масалани қайтадан судга олиб чиқишга мажбур бўлишди.

Шу йилнинг 18 мартда фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди А. Рустамовнинг ишини кўриб чиқиб, фуқаронинг мансабдор шахс хатти-ҳаракатлари устидан шикоят аризасини

қаноатлантирди. Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармасига фуқарога тегишли меҳнат дафтарчасига «34» тартиб рақами билан киритилган ёзув Меҳнат кодексининг 81-моддаси 3-хатбошидаги ҳамда Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган «Меҳнат дафтарчаларини юриштиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»нинг 2.20 банди талабига асосан мувофиқлаштириш мажбурияти юклатилди.

Адолат ниҳоят қарор топди. Аммо хато бир неча йиллик оврагарчиликка сабаб бўлди. Халқимиз бежиз «Етти ўлчаб, бир кес» демаган.

**Абдуҳамид САИМОВ,**  
Самарқанд вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳуқуқшуноси

## Ишдан озод этилмаган касабакўм

### унга ҳам имтиёзлар борми?

Ҳозирги вақтга келиб республикада 35 минг 801 та бошланғич ташкилот етакчилари фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг 35 минг 75 нафари ишдан ажралмаган ҳолда фаолият юртишяпти. Бундай фаолларимиз сони биргина Республика таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши тизимида 16 минг 45 нафарни ташкил этади. Транспорт, йўл ва капитал қурилиши, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши тизимидаги 1 минг 499 бошланғич ташкилотлар касба уюшма кўмиталарининг 1469 нафари етакчиликни асосий иш билан бирга қўшиб олиб боришяпти.

Шу ўринда уларга қандай имтиёзлар бор, деган савол туғилиши табиий. Яқинда қизиқ бир воқеанинг шохиди бўлди. Вакиллик органи таркибига сайланган ҳамда ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилмаган бир етакчи маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатилади. Ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши биладиган бу ходим судга мурожаат этди. Ҳақиқат қарор топди ва у ўз вазифасига қайта тикланди. Чунки Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 25-моддасида вакиллик органлари аъзоларининг меҳнат соҳасидаги қўшимча кафолатларида ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмаслиги аниқ-равшан ёзув кўйилган.

Шунингдек, ваколатлари тугагандан сўнг ҳам улар иш берувчининг ташаббуси билан маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмай туриб ишдан бўшатилишига йўл қўйилмаслиги меҳнат қонунчилигининг айнан шу моддасида айтиб ўтилади.

Корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда амал қилаётган жамоа шартномаларида асосий ишдан озод этилмаган касба уюшма кўмитаси раисларига турли имтиёзлар белгиланган. Шу жумладан, уларга корхона ҳисобидан ҳар ойда маош белгилашни ҳам мумкин. Шунингдек, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Корхоналарда меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида»ги 135-конвенциясига, шунингдек, Адлия вазирлигида 1995 йил 196 рақам билан рўйхатга олинган Низомнинг 12-бандига биноан сайлаб қўйиладиган касба уюшма органлари аъзолари шартнома мақсадларида меҳнаткашлар вакиллари деб эътироф этилади. Ишлаб чиқаришдаги асосий ишдан озод қилинмаган меҳнаткашлар вакилларига ҳар ҳафтада икки соатдан бўш вақт берилади. Мазкур вақт учун уларнинг ўртача иш ҳақлари сақлаб қолинади.

Ишлаб чиқаришдаги асосий ишдан озод қилинмаган касба уюшма етакчиларига интизомий чораларни қўллаш, улар билан иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш ишлари Республика Меҳнат кодексига, Ўзбекистон Республикасининг «Касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунида ҳамда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Корхоналарда меҳнаткашлар вакиллари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида»ги 135-конвенциясида назарда тутилган чекловларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

**Неъмат РАФИКОВ,**  
«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси,  
«Касба уюшмалари ҳаёти» бўлим муҳаррири

*Янги уй сотиб олган одам нима қилади? Турган гапки, ўз имконияти ва дидига қараб уйни таъмирлашга киришади. Ҳамшаҳримиз Зилола Нарзиева (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) ҳам Мирзо Улуғбек тумани Навниҳол кўчасидан 3 хонали уй сотиб олган, уни таъмирлаш ҳаракатига тушади. Бугунги кунда бу унчалик муаммо эмас. Қўли гул усталар хонадонни айтилганидан-да зиёдароқ қилиб таъмирлаб, пардозлаб беришади. Қурилиш ашёси ҳам умуман муаммо эмас. Фақат маблағ бўлса бўлгани.*

## Алюмин ром можароси

Аммо ҳамма гап мана шу маблағ — пулда. Уйни сотиб олиш учун анча пул сарфлаб қўйган З.Нарзиева ҳам таъмирлашга келганда қўли бироз калталик қила бошлади. Шундай пайтда таниш-билиш, дўсту қадрдоннинг бори яхши экан, у ёлғизлини қолмади. Кимдир пулдан, яна кимдир беминнат маслаҳати билан қарашиб турди. Айниқса, дугонасининг эри — Рустам Ибодуллаев таклиф қилган кўмакдан унинг кўнгли тоғдай ўсди.

Гап шундаки, «Акфа» ромлар ўрнатиш цехида ишловчи Р.Ибодуллаев З.Нарзиевага ярим нархида ана шундай ромлар ўрнатиб бериши мумкинлигини айтиб қолади. З.Нарзиева дарҳол рози бўлади. Шу кунини Р.Ибодуллаев унинг уйига келиб деразанинг ўлчамларини олиб кетади. Ҳатто хотинининг дугонасидан енгилгина ҳазилхузулниям аямайди. Асосийси, кетар чоғида аёлдан «аванс» тариқасида 400 АҚШ долларини олиб кетишни унутмайди. Икки кун ўтиб яна 250 АҚШ доллари олиб кетади.

Уйни таъмирлашни «Акфа» ромлардан бошлашни режа қилган З.Нарзиеванинг қўл-оёғи ипсиз боғланади-қолади. Сабаби, «ромларни бир ҳафта ичи-

да келиб ўрнатиб бераман» деган Рустам ой ўтса ҳамки қорасини кўрсатмай кетади. Дугонаси орқали суриштираверган, келиб минг хил баҳона тўқидан нарига ўтмайди. Ноилоҳ қолган аёл бошқа бир усталарга фалон пул бериб, ром ўрнаттириб олади. Аммо Рустам ўша 650 доллари қайтаришни «унутиб» юборади.

Дугонасидан истиҳола қилиб юрган З.Нарзиеванинг сабр-қосаси тўлиб, ҳуқуқ-тартибот органига ариза билан мурожаат қилади.


Фирибгарнинг кўзлари мошдай очилади: ўша кунини З.Нарзиевага олган пулларини қайтаради. Аммо гишт қолипдан кўчган эди.

Суд Р.Ибодуллаевни ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «в» банди билан айбдор деб топди ва ойлик иш ҳақидан 15 фоиз ушлаб қолиш шарт билан 2 йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни қўлга киритиш жазосиз қолмаслигини Р.Ибодуллаев энди унутмаслиги аниқ.

**Алишер АЙТМУРАТОВ,**  
Мирзо Улуғбек туман прокурорининг катта ёрдамчиси

## Сўраган экансиз



**САВОЛ:** Менинг пенсияга чиқишимга ҳали 2 йил бор. Аммо штат қисқариши муносабати билан огоҳлантиришди. Бир ташкилотда 30 йил ишладим. Пенсияга чиқишим мумкинми?

**Рашида БАДАЛОВА,**  
Боёвут тумани

**ЖАВОБ:** Меҳнат кодексининг 102-моддасига мувофиқ иш берувчи ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги муносабати билан (100-модда иккинчи қисмининг 1-банди) меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши шарт.

Бу ҳолда ишда қолдириш имтиёзи малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади. Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда қуйидагиларга афзаллик берилади:


- 1) қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга;
- 2) оиласида ундан бўлак мустақил иш ҳақи олувчи бўлмаган шахсларга;
- 3) мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга;
- 4) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларида тегишли мутахассислик бўйича малакасини ошираётган ходимларга ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларини тамомлаган шахсларга ўқишни тугатгандан сўнг мутахассислиги бўйича ишлаётган тақдирда икки йил мобайнида;

5) мазкур корхонада иш пайтида майиб бўлиб қолган ёки касб касаллигини орттирган шахсларга;

6) уруш ноғиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга ва ҳоказо.

Жамоа шартномасида ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган бошқа ҳолатлар ҳам назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолатлар, агар ходимлар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ишда қолдиришда афзаллик ҳуқуқига эга бўлмаган тақдирдагина инобатга олинади.

Сиз ишлайдиган ташкилот ёшидан қатъи назар пенсия олиш ҳуқуқини берувчи корхоналар таркибида йўқ.



**САВОЛ:** Кўп йиллардан бери мактаб кутубхонасида ишлайман. Менинг пенсиянинг 50 фоизини тўлашяпти. Тўғрими?

**Салима ХОЛМАТОВА,**  
Бекобод шаҳри

**ЖАВОБ:** Тўғри. Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомда кутубхона ходимларига 100 фоиз пенсия тўлаш кўзда тутилмаган.

Собиржон Йигирма йил давомида қурилиш ташкилотларидан бирида пайвандчи бўлиб ишлади. Икки йил илгари шеригининг бепарволиги туфайли, чап оёғидан қаттиқ жароҳат олди. Касбига ярамай қолгач, унга иккинчи гуруҳ ногиронлиги нафақасини тайинлашди. Оиласида тўрт фарзанди бор. Рўзгорга нафақаси етмайди. Оиласи билан маслаҳатлашгач, бир қўл билан ҳам ишласам бўлади, деган ҳаёлда ўзи меҳнат қилган корхонага иш сўраб борди. Аммо унга рад жавобини беришди. Бошқаларда ҳам унга лойиқ иш топилмади.



## Жавобгар бўлмай десангиз

Умидсизликка тушиб юрган кезлари танишларидан бири туман бандликка кўмаклашиш бўлимига мурожаат қилишни маслаҳат берди. Ниҳоят, у лаёқатига яраша иш билан таъминланди. Аммо... бу орада унинг кўнглидан шунча йил фидойилик билан ишлаган корхонасига нисбатан меҳри йўқолган эди.

Дарҳақиқат, кўпгина корхона ва ташкилотлар мутасаддилари янги иш ўринлари яратиш, ногиронларни ишга қабул қилиш, шунингдек, ходимларга хавфсиз ва қулай меҳнат шaroитини яратиш ташвишларидан нарироқ юриш пайида бўлишди. Натижада, ижтимоий муҳофазага муҳтож Собиржонга ўхшаш юзлаб шахслар сарсон бўлиб, ўзларини жамият учун кераксиздек, камситилгандек ҳис қилиб юрадilar.

Биргина 2010 йилда вилоятимизда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси қошидаги Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳуж-

жатларини бажармаган 8 та корхона, ташкилот ва муассасаларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Етти та корхонага, жумладан, Самарқанд туманидаги «Гулобод» МТП, «Наврўз» МТПларга 6270000 сўм миқдорда молиявий жазолар қўлланилди.

Ўтган йили вилоятдаги 2378 та корхона, ташкилотлар томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун 12370 та квоталанган иш ўрни яратилган эди. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари йўлланмасига асосан 898 нафар ногирон 6720 нафар ёш ва кўп болали ота-оналар, 3700 нафар талаба ва коллеж ўқувчилари, 102 нафар пенсия ёшига яқинлашган фуқаролар, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган 356 нафар ва қамоқ жазосидан озод этилган 554 нафар фуқаролар ишга жойлаштирилган.

«Аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотлар-

га нисбатан молиявий санкциялар қўллаш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низомда юқоридagi каби хато-камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида қатор вазифалар қўйилган.

Низомда корхона, ташкилотларда ҳар бир яратилмаган квота иш ўрни учун битта ходимнинг ўртача бир йиллик иш ҳақи миқдорда жарима тўлаш белгиланган бўлса, ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига (турар-жой, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, соғлиқни сақлаш, спорт иншоотлари ҳамда бошқа муассасаларга) тўсқинликсиз кириши учун, шунингдек, темир йўл, ҳаво, сув транспорти, шаҳар ва шаҳар атрофи йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз

фойдаланиши учун шароитлар яратиш борасида қонунда назарда тутилган талабларни бажармаганлик учун энг кам иш ҳақининг етмиш баробаридан юз баробаригача миқдорда жарима қўллаш белгиланган.

Шунингдек, меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ишчилар соғлиги, ҳаётига ҳавф солдиган ташкилот фаолияти ёки ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш хавфсизлик талабларига мувофиқлаштирилгунга қадар тўхтатиб қўйилади.

Мазкур ҳужжатлар фуқароларнинг иш билан бандлигини, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ҳамда корхоналарда ходимларга хавфсиз ва қулай меҳнат шaroити яратилишида амалга оширилаётган ишларнинг янада самарали бўлиши учун хизмат қилади.

**Ботир ТОШЕВ,**  
Самарқанд вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

## Ишонч ва масъулият

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида яшавчи аҳоли ўртасида пул ҳисоб-китобларини амалга оширадиган ва ҳисоб-китоб терминаллари билан таъминланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш шохобчаларининг банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш қондаларига амал қилинишига солиқ ходимлари томонидан кўмак берилмоқда.

Шу мақсадда туман ДСИ қошида «Ишонч» телефони ишлаб турибди. Шунингдек, фуқароларимизнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда ишонч телефонлари рақамлари қайд этилган плакатлар ҳам тарқатилган.

Жумладан, туман ДСИ ишонч телефонига тушган хабар бўйича «Бетта Груп Импекс» МЧЖга қарашли уяли телефонларга хизмат кўрсатиш тармоғида ўтказилган текширишда оператор томонидан миждоз билан ўзаро ҳисоб-китобда 3000 сўмга назорат касса машинасидан чек уриб берилмагани ва 87800 сўм пуллар НКМ хотирасига киритилмагани аниқланган.

Худди шундай «Саинзбури Бизнес» МЧЖга қарашли уяли телефонларга хиз-

мат кўрсатиш тармоғида ўтказилган текширишда миждоз билан ўзаро ҳисобда 11200 сўмга чек уриб берилмагани ва 35800 сўм НКМ хотирасига киритилмагани, 19100 сўм савдо пулларини банкка топширилмагани, харидор билан ҳисоб-китоб вақтида эса 200 сўм ошиқча ҳақ олинганлиги аниқланди.

Ҳар икки ҳолат бўйича тегишли чоралар кўрилди.

**Дониёр ДИСБОЕВ,**  
Юнусобод туман ДСИ ходими

## Сифат сертификати муҳим

Маълумки, ҳўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилиб, халқ истеъмолига тақдим этилаётган маҳсулотлар сифат сертификати эга бўлиши шарт. Савдо тармоқларида сифат сертификатларига эга бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишининг олдини олиш бўйича Яққасарой тумани ДСИ ходимлари томонидан кенг қамровли ишлар қилинмоқда. Жумладан, чакана савдо корхоналари томонидан сифатсиз, талабга жавоб бермайдиган маҳсулотлар билан савдо қилишни тартибга солиш борасида 19 та текширув ўтказилиб, турли қондабузарликлар аниқланди. Шулардан 6 ҳолатда 68222,6 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 12 ҳолатда эса 241517,4 минг сўмлик ноозиқ-овқат маҳсулотлари вақтинча олиб қўйилган.

Текширувлар юзасидан тузилган ҳужжатлардан 5 таси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилиб, 2 та ҳолатда жиноий иш кўзга тутилган. 14 ҳолатда жавобгарларга нисбатан 2728,5 минг сўм миқдорда маъмурий жарима қўлланилди.

**Эргаш БАБОЖОНОВ,**  
Яққасарой туман ДСИ,  
Бош Давлат солиқ инспектори

## Маҳаллий қурилиш индустрияси ривожини йўлида

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар самарасини, аввало, изчил ривожланиётган иқтисодийимиз ва унинг барқарор ўсиш суръати, аҳоли фаровонлиги йилдан йилга ошиб бораётганида кўриш мумкин. Айниқса, қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгариб, ободликка юз тутаётгани ислохотлар аввало инсон учун эканлигининг исботидир.

Жумладан, молия-банк тизимидаги ижобий ўзгаришлар, соҳани такомиллаштириш, молия муассасаларининг барқарорлигини кучайтириш борасидаги ишлар ўз натижасини бермоқда. «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ Тошкент вилоят минтақавий филиали ҳам миждозларга барча турдаги банк хизматлари, жумладан, ҳисоб-касса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш, лизинг амалиётлари каби хизматларни кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, бунёдкорлик ишларида банкнинг молиявий кўмаги бениҳоя катта бўлмоқда.

Кенг қамровда хизмат кўрсатиш натижасида 2011 йил биринчи чорагида тармоқлар бўйича банкнинг Тошкент вилояти минтақавий филиали томонидан ажратилган кредитлар 7 253,9 млн. сўмни ташкил этди. Шундан, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга 4 972,2 млн., қишлоқ ҳўжалиги соҳасига 1 101,8 млн., қурилиш корхоналарига 605,2 млн., хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларга 120,9 млн. ҳамда бошқа соҳаларга 453,8 млн. сўм йўналтирилди.

— Ажратилган кредит маблағлари эвазига 50 га яқин янги иш ўрни яратилди, — деди филиал бошқарувчиси Ш.Мирзаев. — Шу ўринда

қайд этиш жоизки, мамлакатимиз иқтисодийотининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган қурилиш соҳаси сўнгги йилларда ривожланишнинг янги босқичига кўтарилди. Айниқса, қурилиш, қурилиш-монтаж ишлари марказининг қишлоқ туманларига кўчиши республикамиз қиёфасини, ар-

### Qishloq Qurilish Bank



хитектуравий шакл-шамойилини бутунлай ўзгартириш билан бирга, айнан қишлоқ жойларда минглаб янги иш ўринлари ташкил этиш, маҳаллий қурилиш индустрияси ва унинг таркибий тузилмаларининг замон талабларига мослашишига олиб келмоқда.

Алоҳида таъкидлаш керакки, банк томонидан «Қишлоқ қурилиш инвест» шўъба инжиниринг компанияси иштирокида қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар қийматини пайсатириш, уй-жойлар қурилишида ишлатилган асосий қурилиш материаллари, жумладан, пишган

ғишт, эшик-ром ва том ёпиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳам устувор йўналишлардан бири сифатида жиддий эътибор қаратилмоқда.

Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманида фаолият олиб бораётган банк миждоз «Lyuks Silikat Plyus» хусусий корхонаси ҳам зиммасига юклатилган ана шундай вазифалардан келиб чиқиб, фаолиятини такомиллаштириб бораётир. Банк томонидан ушбу миждозга 700,0 млн. сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди ва натижада қисқа фурсатда янги ғишт заводи ишга туширилди. Ишлаб чиқариш қувватларининг тўла ишга тушиши ҳамда замонавий, тежамкор ёқилғи сарфлайдиган технологиялар асосида йилга 12,0 млн. дона пишган ғишт ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Ўз навбатида, корхонада қарий 20 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Бундай тадбирлар қишлоқлар кўркини замон талабларига мослаштириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш билан бирга, қишлоқларда саноат ишлаб чиқариш ҳажминини ошириб, маҳаллий қурилиш индустрияси ривожини янги босқичга олиб чиқади.

**Акмал ТОШЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

## Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида

**«Фаргонаазот» очик акциядорлик жамияти мамлакатимиздаги йирик, жадал ривожланаётган корхоналардан биридир.**

**Корхона қишлоқ хўжалиги, айниқса, пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришга баракали ҳисса кўшиб келмоқда. Мустақиллик йилларида акционерлик жамиятини модернизациялаш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш ва такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда корхона қувватини ошириш, маҳсулот сифатини тубдан яхшилашга эътибор кучайтирилди.**

**2007-2011 йилларда кимё саноати корхоналарини техник ва технологик модернизациялаш дастури асосида амалга оширилган тадбирлар ажойиб самара бермоқда. Ўтган йили синтетик аммиак ишлаб чиқаришга йўналтирилган кўп тоннали энерготехнологик агрегат реконструкциясига 27 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди. Бу тадбир кўпгина муаммолар ечимини ижобий ҳал этиш имконини берди. Янги технология туфайли табиий газ ва электр энергияси сарфи кескин камайди, тежамкорлик даражаси ошди. Шу тариқа, маҳсулот таннархи ҳам арзонлашди.**

Азотчилар кооперация ва маҳаллийлаштириш тамойилларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш орқали янги йўналишларни кашф қилмоқдалар. Қўнғиротдаги сода заводи билан кооперация алоқаларнинг мустаҳкамланиши янги маҳсулот-натрий бикарбонат, яъни сода ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берди. Бу маҳсулот озик-овқат, минерал сувлар, алкохолсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилмоқда.

2010 йилда корхонада яна бир янги участка ишга туширилди. Карбамид ва аммиакли селитра суюқлигини тайёрлаш бўйича инновацион лойиҳа ишлаб чиқаришга жорий этилди. Минерал ўғитлар тайёрлашда ишлатилган бирламчи маҳсулотларни аралаштирадиган минитехнология хориждан келтирилди. Бу эса тайёр маҳсулотни истеъмолчи ёки харидорга махсус идишларда ихчам қадоқлаб етказиб бериш имконини яратди. Бундай қулайликлардан фермер-деҳқон хўжаликлари манун бўлмоқда.

Корхона мутахассисларининг Ўзбекистон Фанлар академияси умумий ноорганик кимё институти олимлари билан ҳамкорликда олиб бораётган изланишлари ҳам модернизация жараёнларини чуқурлаштиришда ўз самарасини кўрсатмоқда. Олимлар ва меҳнат жамоаси ҳамкорлигида йилига 66 минг тонна маҳсулот тайёрланадиган янги объект фойдаланишга топширилганлиги бунга яққол далилдир. Натрий нитрат бирикмаси ҳам минерал ўғит сифатида, ҳам ойна ишлаб чиқариш саноати хомашёси сифатида фойдаланилаётганлиги эса ўтган йилги ажойиб кашфиётлардан биридир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида азотчилар жамоаси янада юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Фермер ва деҳқонларимизни кальций карбонат ва «Полидеф» деб аталмиш дефолиант каби янги кимёвий маҳсулотлар билан хурсанд қилиш режалаштирилган.

Корхонанинг экспорт салоҳияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Эндиликда «Фаргонаазот» ёрлиги қўйилган маҳсулотлар нафақат қўшни давлатлар, балки Венгрия, Литва, Малайзия, Жанубий Корея сингари Европа ва Осиё мамлакатларига ҳам жўнатилмоқда. Бу ўз навбатида корхонанинг мамлакат

«Farg'onaazot» ОАЖ

Саноатни

ривожлантириш

йўлида

ган.

Саломатлик — туман бойлик, дейди доно халқимиз. Соғлиқни сақлаш давлат сиёсатининг муҳим тармоғини ташкил қилиши ҳам бежиз эмас.

Касаба уюшма кўмитаси ишчи-хизматчилар саломат-

валюта жамғармасини бойитишга қўшаётган ҳиссаси салмоғини оширишга, азотчилар турмуш даражаси мутасил юксалиб боришига хизмат қилмоқда.

Келгусида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва кўшимча иш ўринлари яратиш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Фанлар академиясининг кимё ва физика полимерлари институти томонидан ишлаб чиқилган суюқ ҳолдаги, таркибида полимерлар сақловчи ва бешдан бир қисми хлорат натрийдан иборат бўлган янги «Полидеф» дефолиантини ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Корхонада минерал ўғитлар учун қоп ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Йилига 20 миллион дона қоп тайёрлаб берувчи қурилма ишга туширилмоқда. Натихада, корхона эҳтиёжи учун четдан харид қилишга ҳожат қолмайди.

Маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси мавжуд жамоа шартномаси асосида ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, иш ўринлари хавфсизлигини таъминлаш, ходимларнинг турмуш шароитини ўрганиш ва кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, меҳнат муҳофазаси каби бир қатор йўналишларда ижобий ишларни амалга ошириб келмоқда.

Жамоада ижтимоий шериклик тамойиллари асосида хавфсиз меҳнат шароитини яратиш борасида касаба уюшма кўмитасининг меҳнат муҳофазаси вакиллари фаолият кўрсатмоқда. Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кўмитаси билан меҳнат муҳофазаси вакиллари, хавфсизлик техникаси ходимлари, цех, кўмита раислари иштирокида семинар ўтказилди. Хавфсиз меҳнат шароитини яратиш мақсадида тегишли тадбирлар ишлаб чиқилиб, бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинмоқда. Қолаверса, ҳар ойнинг охириги пайшанбаси корхонада «Меҳнат муҳофазаси» кўни деб белгиланди. Шу кўни амалга оширилиши лозим бўлган ишлар таҳлил қилинади.

Касаба уюшма аъзолари манфаатини ҳимоя қилиш йўналишида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳоли бандлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, касаначиликка йўналтирилган янги иш ўринлари яратилаёпти. Йил бошидан 55 та янги иш ўрни, шундан 35 таси касаначилик, 20 таси корхонани кенгайтириш ҳисобидан ташкил этилган. Умуман, йилнинг охирига қадар 110 та янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирил-

лигини сақлаш, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, ишчи-хизматчилар мамлакатимиздаги турли сўхатгоҳларда саломатликларини тикламоқда.

Касб касалликларини профилактика қилиш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш, ишчи-хизматчиларнинг ҳаёт тарзи ва меҳнат фаолияти учун қулай шароит яратиш, моддий манфаатдорлик даражасини кўтариш учун даволаш-соғломлаштириш диагностика цехи ташкил этилган. Бу ерда ишчиларга тиббий хизмат бепул амалга оширилади. Шунингдек, бу ерда ишчи-ходимларнинг яқин қариндошлари ҳам ойлик маоши ҳисобидан даволаниши мумкин.

Корхонада спорт ишларини ривожлантириш, ишчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, 5.562.000 сўмлик

спорт анжумлари сотиб олиниб, цехларга тарқатилди. Спортнинг волейбол, шахмат-шашка, мини футбол, стол тенниси бўйича мунтазам равишда цехлараро спартакиада ўтказиб келинади. Айниқса, «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» тадбирини ишчи-ходимлар интиқиб кутилади.

Бугунги кунда республика-мизда ҳам яхши танилиб қолган «Farg'onaazot» чим устида хоккей жамоасига ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келиняпти.

— Республика олий лигасида иштирок этаётган жамоанинг асосий аъзолари корхонамиз ишчи-ходимларидан иборат, — дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Рўздат Тошбеков. — Ўтган йилда жамоага касаба уюшмаси ҳисобидан 14 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилган бўлиб, кам таъминланган, ногирон фарзанд бор, боқувчисини йўқотган оила фарзандларига ўқув қуроллари, мактаб формалари олиб берилди. Бунинг учун 11 млн. сўм маблағ сарфланди.



Меҳнаткашлар, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёқарашини ўстириш, миллий кадриятлар, урф-одатлар, ватанга муҳаббат ҳиссиётини уйғотиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, республика-мизда рўй бераётган туб ислохотларни оммага етказиб бориш, ўз-ўзидан тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришни ҳам тақозо этмоқда.

Қолаверса, янгича, мустақил тафаккур зарурати ҳануз долзарб, миллий мафқурани шакллантириш, маънавиятни юксалтириш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир. Шунинг учун ҳам маънавий-маърифий ишларга, миллий истиқлол ғоясини меҳнат аҳли қалби ва онгига чуқур сингдиришга катта эътибор берилмоқда.

Буни чуқур англаган корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшма кўмитаси фаоллари меҳнаткашлар ва ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, уларга юксак ахлоқий меъёрларни сингдириш, фикрлаш доирасини



кенгайтириш ва миллий ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратиб келмоқда. Корхона тасарруфида «Кимёгарлар» маданият саройи фаолият кўрсатади. Байрамлар, шонли саналар муносабати билан маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. «Инъом» фолклор ансамбли, «Тарона» миллий ансамбли, «Аср» эстрада-хореография ансамбли, «Русская песня» хори, «Фиерия» болалар театр-студияси, «Армада системс» данс-брейк гуруҳи ва бир қатор тўгараклар фаол ва иқтидорли ёшларни бирлаштирган.

Мавжуд кутубхона доимий равишда янги нашрлар билан таъминланиб келинади. «Маънавият ва маърифат хонаси» келажак авлодни миллий урф-одатларимиз, миллий ғурур, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган асарлар билан мунтазам равишда бойитиб борилмоқда.

2009 йилда корхона бошқаруви ва касаба уюшмаси ҳамкорлигида «Меҳнат фахрийлари клуби» ташкил этилди. Белгиланган тадбирларга корхонада ишлаб кетган фахрийлар ҳар ойда бир марта «Бир пиёла чой устида» суҳбатга чақирилади. Улар тўқин дастурхон атрофида ёшларга ўз тажрибалари, меҳнат фаолиятига оид хотираларини сўзлаб беришади. Клубда ҳафтада икки марта «Саломатлик гуруҳи» ҳам фаолият олиб боради. Клуб спорт буюмлари, ДВД плеер ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган.

Бу йил корхона тасарруфидаги «Кимёгар» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ёзги мавсумда ишчи-хизматчиларнинг 1300 нафар фарзандини соғломлаштириш режалаштирилган. Бундан ташқари, кам таъминланган, кўп болали, ногирон фарзанди бор, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини имтиёзли йўлланиш орқали соғломлаштириш кўзда тутилмоқда.

Корхонада оталиқдаги касбунарс коллежлари билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, унга кўра Фаргона шаҳар саноат коллежи, Электротехника коллежининг ўқув моддий-техника базасини мустаҳкамлашга амалий ёрдам кўрсатилди. Тех-

ник адабиётлар билан таъминланди. Корхонанинг тажрибали мутахассислари коллежларга юборилиб, талабалар билан мунтазам равишда назарий ва амалий машғулотлар ўтказмоқда. Коллежнинг 307 нафар талабаси корхонада амалиёт ўтаётди. Уларнинг корхонага қатнаши учун махсус автотраспорт воситаси ажратилган. Амалиёт даврида ҳар уч ўқувчи учун битта юқори малякали мураббий бириктирилган. Амалиётга келадиган ўқувчилар инструкциядан ўтиши ва техник йўриқнома билан таништирилиши, амалиёт ўташ даврида хавфсиз меҳнат шароити яратиб берилиши белгиланган. Амалиётга келадиган ўқувчилар кечки ва тунги ҳамда оғир, ўта оғир ва зарарли меҳнат турлари билан боғлиқ бўлган ишларга жалб қилинмайди.

— Амалиёт ўташ даврида ўқувчиларга тегишли касб ишчиси иш ҳақининг 30 фоизидан кам бўлмаган меҳнат ҳақи берилади, — деди Рўздат Тошбеков. — Ўқувчилар учун бепул овқатланиш ташкил этилган. Уларнинг ҳар бирига кунига 3000 минг сўмлик овқатланиш талони берилмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» бажарилишини таъминлаш, корхонада етакчи ёш кадрларни тайёрлаш борасида ҳам бир қатор амалий ишлар йўлга қўйилган. Хусусан, олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларнинг 193 нафарига маъмурият томонидан контракт тўловлари тўлаб берилди. Бунинг учун 490 миллион сўм маблағ сарфланди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда «яшил» ҳудудларни ёппасига кенгайтириш чоралари муҳим ўрин тутди. Шунга кўра, азотчилар корхонага тегишли ҳудудларни кўкаламлаштириб, файз киритмоқда. Бевосита корхона ҳудудида, шунингдек, корхонага тегишли ижтимоий-маданий ҳамда спорт тадбир-

ларини ўтказишга мўлжалланган бинолар ҳудудида 2011 йилги дарахт ўтказиш кампанияларининг тўлақонли ва муваффақиятли ўтказилиши корхона экология бўлими томонидан алоҳида назорат остига олинган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Курултойида қабул қилинган, ҳар бир ватандошимизнинг 20 тупдан дарахт ўтказиши тўғрисидаги Мурожаати корхона ишчилари томонидан қизгин кутиб олинди. Жами 24.172 туп мевали, 20.221 туп манзарали кўчат ўтқазилди. Ташкил қилинган 10,5 гектарлик боғда Сербиядан келтирилган олма ва ноклардан ташқари ўзимизнинг ўрик, шафтоли ва гилос кўчатлари ўсмоқда.

Озиқ-овқат дастурини бажариш борасида ҳам талабгана ишлар қилинмоқда. Ҳар бир цех ҳудудида иссиқхоналар ташкил этилган. Уларда йил давомида 25 тонна помидор, 20 тонна бодринг, 200 кг. лимон ва 6 тонна бошқа маҳсулотлар (карам, булғори қалампери, бақлажон) етиштирилиб, ишчи ва ходимларга арзон нархларда тарқатилмоқда.

Корхонада 2011 йилда балиқчиликни ташкил этиш мақсадида балиқчилик хавзаси барпо этилди. Йил охирида 5 тонна балиқ олиш кутилмоқда.


Бир сўз билан айтганда, «Farg'onaazot» ОАЖ касаба уюшма кўмитаси ўз фаолиятини жамоа шартномаси талабларини бажариш, ўз аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини шу асосда ҳимоялаш йўлида тинимсиз изланиш олиб бормоқда.

— Май ойи деярли барчамиз учун қутлуг ва муқаддас ойлардан бири саналади, — деди биз билан хайрлашар экан корхона касаба уюшма кўмитаси раиси Рўздат ака. — Айниқса, биз — кимёгарлар учун. Чунки тўқинлик авжига чиққан ушбу ойнинг сўнги яқшанбасида биз касб байрамимизни кўтаринки кайфиятда тантана қиламиз. Жамоамиз келгусида ҳам ватанимиз равнақини юксалтириш, саноатни ривожлантириш йўлида жонбозлик билан меҳнат қилаверади.


Айни кунда «Farg'onaazot» ОАЖда иш янада қизгин. Чунки мамлакатимизда турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз кимёгарларга, улар тайёрлаётган маҳсулотларга, бирикма ва моддаларга кўз тикиб туришганини улар юракдан ҳис этишади.


**Жаҳонгир  
ШАРОФБОЕВ,  
«Ishonch» мухбири**

## «Farg'onaazot» ОАЖ маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси



**Мамлакатимиз  
кимёгарларини  
касб байрамлари  
билан қизгин  
муборакбод этади.  
Юртимиз  
иқтисодиётини  
юксалтириш,  
саноатни  
ривожлантириш  
йўлидаги  
фридокорона  
меҳнатларида  
омад ва зафарлар  
ёр бўлишини  
тилайди.**





# Онанини Отангга Депардоз кўрсатма!

**И**ссиқ иқлим кўпчилик аёлларимиз ва қизларимиз юзида қора, кўнғир рангдаги доғларга сабаб бўлади. Бундай нохушликлар қуёш нурунинг таъсири, юз терисининг ноциклиги ва айрим аллергия ҳолатлардан келиб чиқади. Баъзилар бу доғларнинг зарари йўқ деб ҳисоблаб, унга эътибор ҳам қилмайди. Натижада, бу доғлар кўпайиб, юз терисини бутунлай қамраб олади.

Энг ёмони, юз терисини бундай ёмон ҳолатлардан сақлашга интилиб, турли-туман синалган-синалмаган муолажаларни қўллашдир. Шу сабабли, ўз тажрибамизга суянган ҳолда халқ табobati усулларини сизларга тавсия этамиз.

Икки-уч дона бодринг қирғичдан чиқариб олинадилар. Тўрт ошқошиқ бодринг бўтқаси 2 пиёла қайнатилган сувга аралаштирилиб, 4 соат давомида тиндирилади. Сўнг донадан ўтказиб олиниб, сувига юз артиради.

\*\*\*

Бир дона бодринг йирик қирғичдан ўтказиб, шиша идишга солинадилар ва устидан идиш тўлгунча ароқ куйилади. Бу шиша 2 ҳафта давомида офтобга қуйилади. Муддат тугаганидан сўнг, кунига икки марта юз артиради.

\*\*\*

Машхур юртдошимиз, буюк табиб ва олим Абу Али ибн Сино шундай байтларни айтиб ўтган эди:

Турп уруғини майдалаб сирка билан сурт,  
Юзингдаги юз доғи кетгай, кўринмас.

Яна: Наргис гулининг ёғи ҳам шундай фойда беради.

Тухум сариғини тоза асалга (суюқ) 1:1 нисбатда қўшиб, юзга кунига уч марта суртилса, ундаги доғларни кетказади.

\*\*\*

Бақлажон суви юзга суртилса ҳам шундай натижа беради (Эрон табиблари усули).

Оқ, сариқ пиёз уруғи ароққа солиниб, бир ҳафта давомида дамланади. Сўнгра юзга суртилса, қора, кўнғир рангдаги доғлар йўқолади.

\*\*\*

Тўрт-беш дона булғор қалампери гўшт майдалагичдан чиқарилиб, суви донадан ўтказилади. Унга тенг қисмда сабзи суви қўшилиб, кунига икки марта юз терисига суртилади. Натижа эса 10 кундан сўнг сизни хурсанд қилади.

\*\*\*

Ковун уруғини 1 литр сувда қайнатиб, юзга 1 ой давомида кунига икки маҳалдан суртилса, яхши натижага эришилади.

## Геннадий Петрович Малахов усулларидан:

Петрушка кўкати майдаланади ва устидан 1 пиёла қайноқ сув куйилиб, 4-5 соат тиндирилади. Бу суюқлик билан юз артиради. Шунга айтиш лозимки, бу муолажани уйқудан олдин бажариш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга кофе ишқибозларига бу ичимликни истеъмол қилишни камайтиришни маслаҳат берамиз.

\*\*\*

Битта тухум чақилиб, яхшилаб аралаштирилади. Бир боғ сельдерей майда тўғралиб, тухумга солиб аралаштирилади. Устидан бир пиёла қайноқ сув куйилади ва юзга суртилади.

\*\*\*

5 фоизли узум сиркасини олиб, 10 дақиқа ниқоб қилиш лозим.

Аччиқ бодом билан узум сиркаси 1:1 нисбатда аралаштирилиб, юзга доғларга суртилса, фойда беради (Миср табиблари усули).

\*\*\*

Мошнинг ёғи ажратилиб, юзга суртилса, доғлар кетади (араб табиблари усули).

\*\*\*

Бир дона равоч илдизи сирка билан бирга бир нисбатда қўшилиб, юзга суртилса, доғлар кетади (қирғиз табиблари усули).

\*\*\*

Лимон суви сиқиб олиниб, бир ҳафта давомида юзга суртилса, доғлар кетади.

5 ошқошиқ майдаланган миндал ёнғоғи устига 1 пиёла қайноқ сув солиниб, аралаштирилади. Унга 1 та лимон шарбатининг ярми қўшилиб, доқага ўралиб, 30 дақиқа юзга қуйилади. Муолажа вақти тугаганидан сўнг юз қайнатилган сув билан ювиб ташланади. Даволаниш муддати – 1 ой.

\*\*\*

Дорихонадан кастор ёғини олиб, ҳар куни кечқурун юзнинг муаммога эга бўлган жойларига суртилади. Бу муолажа нафақат доғларни кетказади, балки юзгаги ажинларни ҳам камайтиради.

\*\*\*

1 пиёла қатик зардобига 1 ошқошиқ лимон шарбати қўшилади ва аралаштирилади. Бу аралашма наҳорда юз терисига суртилади. Шунда қора доғлар кетади, юз териси тортилиб, ёшариб кетади.

Мўъжиза таъсирига эга крем: 1 ошқошиқ суюқ асал (тоза бўлиши керак), 1 ошқошиқ кастор ёғи, 1 чойқошиқ вазелин, 2 томчи йод солиб, ҳаммаси гугурт чўпи ёрдамида яхшилаб аралаштирилади. Юз терисига суртилгач, бир соат давомида юзга дам берилади. Сўнгра намланган салфетка билан артиб ташланади. Шунда юз териси силлиқ, эластик ҳолатга келиб, қора доғлар оқаради, ажинлар камайдилар. Бир ой давомида тўхтовсиз фойдаланиш самарали натижа беради.


\*\*\*

50 грамм олча данагини пиёлага солиб, устидан кунгабоқар ёғи куйилади. 10 кун давомида сақланиб, донадан сидириб олинадилар. Бу малҳам билан юз терисини кунига икки марта артиш керак. Даволаш муддати – 2 ой.

— Юзимнинг ранги ўзгара бошлади, қандайдир тўқ сариқ рангга кирди, худди сабзини кўп егандек, — дейди у. — Шифокорларга мурожаат қилганимда, ўт пуфагимда сафро тиқилиб, узок вақт қолиб кетаётганини, жигар фаолияти ҳам яхши эмаслигини айтишди. Яқин дугонамнинг маслаҳати билан қурқум қабул қила бошладим. Бу дориворни суюқ овқатларга: шўрва, мастава, кейин эса гуручга, гўштга ҳам қўшадиган бўлдим. Миқдори — ярим чойқошиқ. Муолажани бошлаганимдан сўнг, ҳазм қилиш фаолияти яхшиланаётганини сездим. Қориндаги оғриқ, дамлашиш, оғирлик, қабзият йўқолди. Бир ой ўтмасдан юзимдаги сариқлик кета бошлади. Икки ойдан сўнг юзим янада чирой очди. Жуда хурсандман.

Азиз ва мўътабар аёлларимиз! Сизлар ҳаётимизнинг мазмунисизлар. Ўзингизни ёш, чиройли ва кўркем ҳолда асранг!

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,  
тиббиёт фанлари доктори,  
профессор



**Т**урар жойларни лойиҳалаш ва қуриш анчагина мураккаб вазифа ҳисобланади.

Чунки улар гигиена меъёрлари нуқтаи назаридан тўғри жойлаштирилган, аҳолининг яшashi ва дам олиши учун қулай бўлиши лозим.

Фан-техника тараққиёти шаҳар ва қишлоқлар қурилишида кенг имкониятлар очмоқда. Катта-кат-

ҳарли газлар чиқарувчи корхоналардан узоқда жойлашиши, биноларни зич қилиб қурмаслик, саноат корхоналари зоналарини барпо этиш, аҳоли турар-жойлари билан саноат корхоналари орасида санитария-ҳимоя зоналари бўлиши, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш кабилар шулар жумласидан. Замонавий уйлар гигиена талабларига жавоб бериши, газ-

нинг кўпайиши, аҳолининг зичлашуви, транспорт воситалари ва саноат корхоналари қурилишининг йилдан-йилга кўпайиши, ишлаб чиқариш корхоналарининг эскириб қолганлиги атмосфера ҳавосининг ифлосланишига сабаб бўлиб, аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатапти.

Шунга кўра, шаҳар шовқин-суронидан сақланиш ҳозирги даврда асо-

ланди. Одам организмига 30-45 ДБга шовқин нормал бўлиб, ундан юқори бўлса, қуйидаги салбий ўзгаришлар юзага келади:

1) эшитиш функцияси вақтинча ёки бутунлай бузилиши (одам сўзларни яхши қабул қилолмайди, фикрини бошқаларга тўлиқ тушунтириб бера олмайди);

2) уйку ва асаб тизимининг бузилиши ва


рилмоқда.

Ҳозирги кунда асосан физикавий, кимёвий омилларда ишлаётган (цеҳлар, завод, фабрика, кимёвий моддалар билан ишлаётган лаборатория), бундан ташқари, зарарли шароитда ишлаётган ишчиларни ҳимоя қилиш, уларнинг иш жойини шаҳодатлашни амалга ошириш бўйича ҳукуматимиз томонидан бир қанча ҳужжатлар қабул қилинган.

Шу асосда қатор вазифалар белгиланган бўлсада, кўпгина раҳбарларнинг ҳозиргача бу борада тўлиқ тушунчага эга эмаслиги, ходимларнинг соғлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқларини таъминлашга эътиборсиз

# Куттилмаган жойда

## САЛОМАТЛИККА ТАҲДИД



сий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Турар-жойларнинг 1-қаватида озик-овқат дўконлари, дорихоналар, ишлаб чиқариш цехлари, ошхоналар, буфетлар, хусусий поликлиникалар очилиши билан бирга, ҳар хил ошхона, ресторо-ларда кунда-кунора шовқин-сурон билан ўтказилаётган тадбирлар, бундан ташқари, автобус ва хусусий машиналарнинг кўпайиши, уларнинг шовқин ва ҳар хил энергетик газ-

ларни чиқариши ана шундай муаммони юзага келтираяпти. Кейинги йилларда шовқин-сурон таъсирида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Самарқанд, Навоий, Фарғона ва бошқа вилоятларда асаб касаллиги борган сари кўпаймоқда.

Тиббиётда шовқин билан марказий нерв системаси ва юрак-қон томир касалликлари ўртасида ўзаро боғланиш борлиги, умумий касалликларнинг кўпайишига сабаб бўладиган омиллардан бири шовқин эканлиги аниқ-

безовталиқ аломатлари;

3) одам организмида физиологик ўзгаришлар;

4) асабга ва инсоннинг умумий соғлиғига, ишлаб чиқариш қобилиятига ҳам салбий таъсир этиши кутулади.

Инсонларнинг саломатлигини шовқиндан ҳимоя қилиш бўйича ҳукумат, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган бир қанча расмий ҳужжатлар асосида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолини маданий руҳда тарбиялаш, жамоа ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, айниқса, завод-фабрика, қурилатган кичик цехлар, компрессор станциялар, газ ва электростанциялар, лаборатория, ҳисоблаш марказлари, сув иситиш қозонлари, насос станциялар ва бошқаларнинг шовқинини камайитириш чора-тадбирлари кўрилаяпти.

Шунингдек, шовқин устидан Давлат санитария-эпидемиология нazorat марказлари (ДСЭНМ) томонидан ҳар йили ўрнатилган тартиб (график) бўйича лаборатория асосида нazorat олиб бо-

қараётганлиги ачинарли ҳолатдир. Бундан ташқари, кўпгина масъулияти чекланган жамиятларда ҳужжатларни тўлиқ расмийлаштириш, ҳар бир жойни шаҳодатлаш бўйича нархнаво кўйилиши кўпгина ташкилотлар ва бу соҳа бўйича жавобгар вазирликларнинг нazorat қилиш ишларини қийинлаштираётир.

Айтиш зарурки, республика касаба уюшмалари Федерацияси, шаҳар, туман ва вилоят касаба уюшма ташкилотлари меҳнатни муҳофаза қилиш идоралари, экология нazorati билан шуғулланувчи ташкилотлар соғлиқни сақлаш тизими вакиллари билан биргаликда ушбу масалалар бўйича мутасадди раҳбарлар ўртасида тушунтириш (семинарлар) ва ташвиқот ишларини янада кучайтирса, муаммоларнинг ечим топишига маълум даражада кўмаклашилган бўларди.

**Гаффор ЭРГАШЕВ,**  
**«Ўзэнергосозлаш»**  
**корхонасининг**  
**санoт-санитария**  
**лаборатория маркази**  
**бош физиолог**

та шаҳарлар, замонавий кўп қаватли бинолар (хусусий) лойиҳасини тузиш ва қуриш кенг кўламда амалга оширилмоқда. Йирик саноат марказлари пайдо бўлмоқда, магистрал йўллар қурилмоқда.

Уй-жойлар, даволаш муассасалари, ресторо-лар, магазин, дорихона, тўйхона барпо этилиши, уларнинг халқ талабига жавоб берадиган ҳолда бўлиши юзасидан ҳукуматимиз томонидан қатор қарорлар чиқарилди. Уларнинг қурилиши ва сифатига асосий эътибор қаратилмоқда.

Янги лойиҳа асосида қурилатган шаҳарлар ҳавоси тоза бўлиши, за-

лаштирилганлиги, электрлаштирилганлиги, иссиқ ва совуқ сув билан таъминланганлиги ҳамда замонавий жиҳозланганлиги билан фарқ қилади.

Аммо бу уй-жой муаммоси ҳозирги кунда тўлиқ ҳал бўлди, дегани эмас. 1992-2010 йилгача давлатимиз томонидан чиқарилган «Уй-жой қурилишини индустриаллаштириш, арзонлаштириш, сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ва бошқа ҳужжатлар аҳолининг турмуш тарзини тубдан ўзгартириб юборди. Лекин аҳоли со-

## УМИД ВА ИШОНЧ ҲИССИНИ УЙҒОТИБ

Вилоят сил касалликлари шифохонасининг 2-терапия бўлимига ўттиз-ўттиз икки ёшлар чамасидаги аёлни олиб келишди.

Бемор гапиришга ҳам қийналар, йўталганда нафаси ичига тушиб кетарди. Укол қабул қилгач, бироз ўзига келди.

— Нега ўз вақтида шифокорга мурожаат қилмадингиз, хола? — дея саволга тутди катта ҳамшира овози титраб. — Туфунгизда қон сезмадингизми?

— Менга нима бўлган ўзи? — сўради аёл синиқ овозда. — Тузалиб кетаманми?

Бемор рентген текширувидан ўтгач, бўлим мудирини ёпиқ формадаги юкүмсиз бирламчи касаллик деб ташхис қўйди. Муолажалар бошлаб юборилди. Вақт ўтиши билан бемор секин-аста қувватга тўлиб, ўзини тетик ҳис қила бошлади.

Ораддан икки ҳафта ўтар-ўтмас бўлим мудирини беморга шифобахш бадантарбия таяинлади. Аёл соғлигини тиклаб, кетишга рухсат оларкан, миннатдорчилигини қандайдифода этишни билолмасди.

Тажрибали терапевт Ҳамид Митанбоев мудирлик қилаётган 2-терапия бўлимига даволаниш учун қабул қилинган беморларнинг

қисқа вақт ичида соғайиб кетиши одатий ҳол. Шифохона ходимлари авваламбор ширин сўз орқали беморларда соғайиб кетишга умид, ишонч ҳиссини уйғотишга ҳаракат қилишади. Зеро, умид ва ишонч беморни ҳаётга қайтарувчи туйғудир.

Жиззах вилоят сил касалликлари шифохонасининг биринчи ва иккинчи терапия бўлимларида 80 ўринли шинам, ёруғ хоналар мавжуд бўлиб, беморларга 5 нафар малакали шифокор, 15 нафар ҳамшира сидқидилдан хизмат кўрсатиб келмоқда. Шифохонанинг сурункали юкүмси касаллик ва ёпиқ формадаги юкүмсиз бирламчи касаллик бўлимлари босқичма-босқич замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Ўтган йилнинг ўзида энг сўнгги русумдаги рентген ва ИГК аппаратлари ҳамда бир қанча текширув микроскоплари олиб келинди. Шунингдек, даволаш, дам олиш, маънавият хоналари мавжуд бўлиб, йўлақлардаги гултувақда гуллар атрофга анвоий ҳид таратиб турибди.

Шифокорлар тез-тез туманларда бўлишиб, жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида репродуктив саломатлик, соғлом оилани шакллантириш, сурункали ва ёпиқ формадаги бирламчи юкүмсиз касалликларнинг

олдини олиш, аҳоли тиббий маданиятини ошириш каби мавзуларда суҳбатлар ўтказиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб беришмоқда. Натияжада, кейинги икки йилда аҳоли ўртасида ушбу касалликка чалинган оилалар сони камайишига эришилди.

Айниқса, тажрибали терапевт Бурхон Қаландаров, катта ҳамшира Наргиза Сулаймонова ҳамда ҳамшира Малика Жумаева ҳамкасбларига ибрат бўлмоқда. Улар Пахтакор туманининг «Олтинкўл», «Тошкент», «Самарқанд» ва Дўстлик туманининг «Янгиобод», «Манас», «Наврўз» ҳамда «Мевазор» маҳаллаларида яшовчи оилалар даврасида бўлишиб, керакли маслаҳатлар беришмоқда.

Эндиликда бундай хасталикка чалинган беморлар шифокор ҳузурига ўтиб кетган ҳолатда келмайди, — дейди вилоят сил касалликлари шифохонаси касаба уюшма кўмитаси раиси, олий тоифали рентгенолог Абдулатиф Эргашев. — Энг муҳими, жамоамиз аъзолари беморларнинг руҳий, маънавий ва жисмоний томонларини ҳисобга олган ҳолда, тезроқ соғайиб кетиши учун бор билим ва тажрибасини ишга солиб келмоқда.

Шифохона ўз ёрдамчи хўжалигига эга. Унда етиштирилаётган полиз ва сабзавот маҳсулотларидан даволанувчилар ҳам баҳ-



раманд бўлишмоқда. Натияжада таомларнинг тўйимлилиги ва иссиқ овқатга тўланадиган харажат камайишига эришилди. Шунингдек, ёрдамчи хўжалик ҳисобидаги сигирлардан соғиб олинаётган сўт ва сўт маҳсулотлари ҳамда етиштирилган сархил мевалар даволанувчилар дастурхонига тортиқ қилинаяпти.

Маълумки, боғ-роғлар яратиш, уларга меҳр бериш халқимизнинг азалий удуми. Негаки, одамлар ҳамшира яшилликдан баҳра олади. Шифохонада ҳашар йўли билан ўтказилган минг тупдан зиёд манзарали дарахтлар кўкка буй чўзиб, ажиб манзара касб этган. Мана икки йилдирки, анор, беҳи, тут, жийда каби юз тупдан зиёд мевали дарахтлардан ширин-шакар ҳосил олинааяпти.

Жорий йилда ёрдамчи хўжалик ҳисобида яна 2 гектар ер қўшилиб, деҳқончилик қилиш режалаштирилган.

**Абдулла САИДОВ,**  
**Жиззах вилояти**

# ЙИҒЛАСА ОНАМ ЙИҒЛАР, ҚОЛГАНИ ЁЛҒОН ЙИҒЛАР

## Х

ар бир халқ асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба тўплади ва турли воситалар билан келажак авлодларга мерос қилиб қолдиради. Мақол ва ҳикматли сўзлар ана шундай бебаҳо маънавий мерос ҳисобланади.

**Кишига неча келса мушқил ҳол, Ҳикмату ақл анга эрур ҳаллол. Кимники билай десанг мақолин англа Аслин десанг англаин фиолин англа,** — дейди сўз мулкининг султони Алишер Навоий бобомиз.

Киши учун жуда керакли бўлган икки аъзо бор: бири тил, иккинчиси юрак. Тил сўз учун, юрак эса шу сўздан лаззатланиш учун берилган. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асаридеги «Тилингни авайла — омондир бошинг» бобида шундай дейилади:

«Тугилган одам албатта ўлади. Ундан ҳеч бир нишона қолмайди. Лекин унинг сўзлари эзгу бўлса, бошқалар юрагидан жой олиб улгурса, унинг номи мангу қолади, тиллардан-тилларга, диллардан-дилларга кўчиб юраверади. Кишидан кишига қоладиган мерос — сўз. Унга амал қилсанг, минг-минг фойда ва нафлар оласан. Сўз туя бурнига ўхшаш — унга жилов солса бўлади. Ёхуд у туянинг бўйни кабидир — етовга юраверади...»

Айниқса, яхши сўз ҳақидаги ҳикматлар инсоннинг қалбида яхши сўз айтишга бўлган иштиёқни оширади:

**Яшил кўкдан инди бу бўз ерга сўз, Сўз билан инсонда ёруғ бўлди кўз. Оталар сўзидир биз учун мерос, Оталар сўзининг нафи беқийс. Киши кўрки сўзу бу сўз бепойн Э тил, мақта эзгу кишини ҳар он! Тананинг улуши томоқдан кирар, Жон улуши — сўз кулоқдан кирар.**

Чиндан-да, инсонни улуглайдиган ёки уни тупроққа қориштирадиган ҳам сўздир. Биз ўз сўзимиз орқали яқинларимизнинг кўнглини кўтарамиз ёки бўлмаса, ана шу сўзимиз орқали уларнинг дилини вайрон қиламиз. «Яхши сўз билан илон инидан, ёмон сўз билан пичоқ қинидан чиқар» деган халқ мақолининг бугунга қадар тилдан-тилга ўтиб келишида ҳам ҳақиқат бордир. Шундай бўлгач, яхши сўзга нима етсин. Нафақат яқинларимиздан, балки

таниган-танимаган биродарларимиздан ҳам яхши сўзимизни аямасак, умримизни безаган бўламиз. Айниқса, бизни дунёга келтириб, бир парча этлигимиздан меҳр берган ота-оналаримизга ширин сўз айтиш икки дунёмизни обод қиладиган савобли ишлардандир.

Аслида ҳам дунёда онани улугламайдиган, унинг қадрини осмон қадар юксакликда деб ҳисобламайдиган миллат йўқ. Чунки дунёнинг боши онадан бошланади. Она фарзандни дунёга келтирди-ю, авлодлар давомийлигини таъминлади. Шундай бўлгач, у ҳар қандай юксак эҳтиромга лойиқдир. Маънавий ҳазинамизни бойитувчи турфа асарлар ва турли халқларнинг мақоллари, ҳикматли сўзлари билан танишиб чиқар эканмиз, бу мақолларда ота-онага, аёлга, қиз-жувонларга бўлган гўзал бир муносабатнинг гувоҳи бўламиз.

**Онанинг севсанг, бошқа бировнинг онасини сўкма.**

Абхаз халқи бисотини безаган бу мақол замирида жуда катта маънолар ётибди. Чунки орамизда шундай инсонлар борки, уларнинг оғзи шу қадар бедарвозаки, дунёда энг мўътабар инсон дея эъзозлаганимиз оналаримиз қадрини тупроққа қориштириб, ёмон сўзлар билан ҳақоратлайдилар. Энг ёмони эса, улар ўз оғизларидан чиқаётган сўзнинг нақадар куфр сўз эканлигини англаб етмайдилар. Ваҳоланки:

**Йиғласа онам йиғлар, Қолгани ёлғон йиғлар.**

Халқимиз томонидан кўп қўлланиладиган бу мақолни шарҳлашга унчалик эҳтиёж бўлмаса керак. Эътироф этиш жоизки, фарзанд учун қайғурадиган, азоб чекканида у билан қўшилиб азоб чекадиган инсон, бу — онадир. У фарзандни тарбиялар экан, ундан ҳеч нарса таъма қилмайди, фақатгина камолингни кўрай, деб дуо қилади. Шу сабаб, оналаримизнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳатто йиғи-

си ҳам юракдандир.

**Онаси урсаям «она» деб йиғлайдилар.**

Малаял халқ мақоли ҳисобланган бу мақол фарзанднинг куни она билан бошланиб, она билан тугаланишидан хабар беради. Гўдак отаси кун бўйи ишда бўлгани учун уни кўпам эсламайди, аммо онани бир лаҳза ҳам ёдидан чиқара олмайди. Шу сабабдан, у, ҳатто, онасидан дакки еб жони ачишган пайтда ҳам «она» деб ёлворади. Айниқса, тўлғоқ азобини бошдан кечирётган аёл ўзи она бўлиш арафасида бўлса ҳам онасини йўқлайди. У айнан шу лаҳзаларда онасининг қадрига кўпроқ етса, ажабмас.

**Ота-она азобини фарзандли бўлсанг биласан.**

**(Япон мақоли).**

Онам «Қиз бола онасининг қадрини она бўлганидагина билди» деб кўп такрорларди. Япон халқ мақолини таҳлил қила туриб, чиндан ҳам ота-она бўлмоқнинг мушкул вазифа эканлигини англаб етамиз.

**Фарзандлари ташлаб кетган ота-она — япроқсиз қолган дарахт.**

**(Корейс мақоли).**

Халқимизда фарзандсиз инсон мевасиз дарахтга қиёсланади. Ҳатто, дарахт ҳам меваси билан қадрли. Кўпинча, оилада етита фарзанд бўлганимиздан қувонаман. Агар шундай бўлмаганида, минг илм олишга интилсам ҳам, ота-онамни ёлғиз ташлаб пойтахтга келолмасдим. Аввал опа-синглим, кейин эса келинларимиз ота-онамга суянч бўлиб туришди.

**Ота-онанинг болага муҳаббати боланинг ота-онага бўлган муҳаббатидан кучли бўлади.**

**(Япон мақоли).**

Биз фарзандлар кўпинча ота-онамизни яхши кўрамиз, улар учун ҳар нарсага тайёрмиз, деб ўйлаймиз. Аммо шундай эмаслигига ўзимизни ишонтириб яшаймиз. Масалан, ўзимнинг ҳаётимдан мисол келтирадиган бўлсам,

илм олиш истагида ўн йилдан бери Тошкентдаман. Ота-онамнинг орзуси эса тезроқ турмушга бериб, орзу-ҳавасимни кўриш. Чиндан ҳам ота-оналар биз учун ҳамма нарсадан кечишга тайёр. Ҳатто, ўз орзу-ҳавасларидан ҳам. Уларга шон-шарафлар бўлсин!

**Она оёғи билан бешик тебратар, кўли билан рўзгор тебратар.**

**(Ўзбек халқ мақоли).**

Балки бошқа миллат вакиласи бешик тебратаётиб бошқа иш билан шуғулланишни истамас, аммо ўзбек аёли бунинг-да урдасидан чиқади. У бир кўли билан бешикни ва бир кўли билан дунёни тебратади.

**Бир болали она ҳам, юз болали она ҳам бир хилда қайғуради.**

**(Адигей мақоли).**

Она барибир она. Кўпчилик инсонлар кўп фарзандли аёллар кам фарзандли аёлларга қараганда ўз фарзандига кўпроқ қайғуришади, деб ҳисоблайдилар. Сира ҳам ундай эмас. Фарзанд хоҳ битта, хоҳ ўн та бўлсин, у ўз онаси учун жон қадар азиздир. Инсоннинг қайси аъзосида оғриқ бўлса, жон жойи ҳисобланади.

**Ота-онанинг хурмат қилсанг, бола-чақангдан иззат топасан.**

Қирғиз халқи бисотидан олинган мазкур мақол Ҳазрат Навоийнинг мазкур сатрларига ҳамоҳанддир:

**Бошингни қил фидо ато бошига, Жисми қил садқа ано қошига. Тун-қунига айлагали нур пош, Бирисин ой англа, бирисин кўёш.**

«Халқ орасида кўпчилик тилдан қўймайдиган сўз асло ўлмади», деганди Гесиод. Шунингдек, таниқли рус тилшуноси ва паремологи Дальнинг «Мақоллар улардан англашиладиган тушунчаларга қараб жойлаштирилса, халқ руҳиятининг чинакам очерки вужудга келади» деган сўзлари юқорида келтирилган мақолларнинг ҳаётимизда тутган ўрни нақадар муҳим эканлигини англади.

**Назира БОЙМУРОВА**

**Т**алаба эдим. Пойтахтдан уйни соғиниб қайтдим. Ушанда кузнинг охирги кунлари бўлиб, изғирин шамол дарахтларнинг қолган битта-яримта барглари ҳам тўкишга қатъий жазм қилгандек юлқилаб ўйнардди. Ҳовлидаги баланд иш-комга тортилган токнинг сарғайган барглари деярли тўкилиб бўлган, бироқ доқа халтачалардаги беш-дўна бош узум осилиб турарди.

— Буларни сенга асраб қўйгандик, — дедилар онам нигоҳимдаги маънони пайқаб.

— Насибангни ўз қўлинг билан узиб ол, қизим, — дедилар дадам (Оллоҳ у кишини ўз раҳ-



(Катра)

матиға олган бўлсин).

Ширага тўлган узумларни узар эканман, қалбим аллақандай нашидага тўлди. Болалигим кўз олдимга келди. Жажжи қизалоқ эдим. Дадам сиртдан ўқирдилар. Раҳматли бобом ҳовлимиздаги эрта пишар шибирғони узумнинг энг сархилларини асраб

қўярди. «Бунга тегманлар, бу даданнинг насибаси, ўқишдан қайтса ўз кўли билан узиб ейди», дердилар. Шуларни ўйлаб, узумдан тотинар эканман, у асалдай туюлди. Чунки у оддий узум эмас, отам ўз қўллари билан экиб, ўстирган, падаримнинг меҳр-муҳаббатлари қўшилган тансиқ

мева эди...


Энди ўзимиз ота-онамиз. Ҳовлимиздаги узумларни олисларда юрган ўғлимиз, куёвимизга илиниб, уларнинг насибасини асраб юрамиз. Улар эҳтимол бундан ҳам сархилроқ мева-ларни еб юришгандир... Бироқ у қанчалик ширин ва мазали бўлмасин, ўз қўлинг

билан қалб кўрингни бериб ўстирган ниҳолиннинг мевасидек тотли бўлолмайди. Ўзинг эккан кўчатнинг мевасидан ейишнинг гашти бўлақча... Буни фақат ўз кўли билан ниҳол қадаб, унинг кўкка бўй чўзишини кузатган, баҳорда япроқ чиқариб яшнагани, барқ уриб гуллагани ва мева тутганини кўриб, беҳад қувонган одамгина тўла ҳис қилиши мумкин.

Шундай жаннатмакон юртда, меҳр билан ўстирилган ниҳоллар мевасидан баҳраманд бўлиш бахти насиб этгани учун Оллоҳга шукур. Илоҳим, ана шундай тотли насиблар барчага насиб этсин.

**Маҳбуба ХОЛОВА,**  
журналист

Азамат ХАЙРУЛЛАЕВ



дан ушлади:

— Домла, шахардан хотин олган бўлсангизам... Бир ишни эплаб қўйгандай оғиз тўлдирасиз-а.

Бу гап Собирнинг кўксини тешиб ўтди. Юзинг кўзинг демади-я. Бошини қуйи солганича даврандан ажралиб, ховлиси томон юрди. Орқасидан чўпоннинг:

— Бориб хотинингнинг кучоғини мушугинг билан бахам кўр, — деган овози эшитилди. Титраб кетди, ўзини босди.

— Бу нима деганингиз, оғзингизга қараб гапиринг, Холмат, — қишлоқдошлари чўпонга гапириниб қолди.

Собир «Шарифа эшитмадимикан», деган хавотирда ховлига тезгина кўз югуртирди. Йўқ. Хотини уйда экан. Шарпасиз судралгандай ёнига кирди. Шарифа яна Маллани силаб ўтирибди. Каттагина малла мушук эгасининг тиззаларида бемалол ухлаб ётарди. Холматнинг гапи безгагини кўзгатган бўлса, бу ҳолатдан

онлар бахтсизликка айла-ниб борди.

Собир нонушта ҳам қилмай мактабга отланди. Ўқитувчи бўлиб, қанча бола тарбиялаб, битта гўдакнинг бошини силамаган Шарифа уйда ўз хаёллари, орзулари, армонлари ва малла мушуги билан ёлғиз қолди. Собирнинг хаёли ишга бориб, қайтганда ҳам мушукда эди: «Нима қилсам, ҳайдаб юборсаммикан. Йўқ, Шарифа кўнмайди».

Дарвозага етганда ичкаридан Шарифанинг овози эшитилди. Чуқур ух торди. Пичирлади:

— Яна Маллага алла айта-япти.

Йўқ. Шарифа йиғларди. Жон ҳолатда ховлига югуриб кирди. Шарифа ховли четидан қорға ўтириб йиғлар, бошидан рўмоли тушиб, сочлари тўзғиб кетганди. Ёнига қандай етиб келганини билмайди. Қараса, Малла ерда ўлиб ётар, ҳамма ёғи шилинган, қон. Қандайдир жондор талаб ташлаган. Алам-

ўлдираман.

Домланинг овозини эшитиб, уйдан чўпон, унинг изидан ўғли Одил чиқди. Милтиқ ушлаб олганини кўриб, давдираб қолишди. Кейин чўпон ўзини қўлга олиб:

— Нима дейсан, тентак, — деб ҳезланди.

— Отаман, итингни отиб ўлдираман, — деди Собир.

Мушугини ити ғажиганини айтмоқчи эди, айтолмади. Холматнинг кечаги масхараомуз кулгуси кўз олдига қотиб қолганди. Энди уйига Собирнинг милтиқ билан бостириб кирганига Холматнинг қони қайнади:

— Ўзингни ўлдираман, хунаса, ўзингни.

Чўпон ит деса жонини беради. Ит унинг молини кўриқлайди, мол эса чўпоннинг жони. Собир милтиғни тўғрилаб яна бақирди:

— Барибир отаман, отиб ўлдираман.

Шу пайт Шарифа кириб, дод солиб эрининг қўлига ёпишди. Лекин кечиккан эди. Уқ овози тоғларни тутди. Дарахтлар тепасидаги қарғалар гув этиб кўтарилди. Узоқ-узоқларда ўқнинг гумбирлагани акс-садо берди. Ит ёнида турган Одил ерга йиқилди. Собирни кечга яқин икки милиционер олиб кетди. Икки кундан сўнг у уйга қайтди. Кўча эшигидан кириши билан ховлида турган, ёши саксонларга бориб қолган кампирга кўзи тушди. Хотини эса айвондаги чорпо-яда бошини ушлаб ўтирар, кўнгли айнигандек юзини буриштирган. Собир кампирни кўргач бошини эгиб, нима қилишини билмай туриб қолди.

Одил Турсуной кампирнинг ёлғиз ўғил наби-раси эди. Собирнинг бахтига ўқ Одилнинг елкаси-ни ялаб ўтган экан. У шу кампирнинг қистови билан ўғли Холмат аризасини қайтариб олганини биларди. Кампир у томон юрди. Собир бошини кўтариб, салом берди:

— Ассалом алайкум, мома.

Кампир томирлари бўртиб турган озгин қўллари билан елкасига секин қоқди:

— Бошингни баланд кўтар, болам, ҳеч бир бандани тирноққа зор қилмасин. Энди сен ҳам элга қўшиладиган бўлдинг.

Собирнинг кўзлари чақнаб кетди:

— А!!!

— Собир домла одам отиб қўйибди.

Қишлоқда гап тез тарқалади.

— Нега? Кимни отибди? — Бир кун олдин Холмат чўпон билан жанжаллашиб қолган экан, аламига ўғлини отибди.

— Ростдан-а?

Қашқадарёнинг Тахтақорача довонидан пастрокда, йўлнинг чап томонидаги тоғли қишлоқнинг четидан Собир домланинг уйи. Холмат чўпоннинг уйини айтмаганда бошқа уйлар анча олисда. Бу ердан пойдевор кўтараётганда, чўпон қарши турганди. Бир сафар сув ҳам бостириб юборган. У асли Собирнинг отаси белгилаб қўйган ерга кўз олайтириб келарди. Собир уй қуришни бошлагач, ўртадан анча кўнгилихирликлар бўлиб ўтган, шундан бери икки оила чиқишолмасди.

Собир аввал қишлоқ марказидаги тегирмоннинг шундоққина биқинидаги отасининг ховлисида турарди. Тунлари тегирмоннинг шовқини эшитилиб турар, шундоқ ҳам қуш уйқу бўлиб қолган хотини тез-тез уйғониб ке-

тар, баъзан ёстиқни юзига босганча пиқиллаб йиғлагани эшитилиб қоларди. Бу пайтларда юраги эзилиб, ўпкаси тўлиб кетар, жимгина кўрпага бурканарди. Кундузи қўшнилари билан болаларига кўзи тушиб, фарзандсизлигидан бир сиқилган хотинининг кечаси бу ҳолда минг сиқилишини кўриб, бардоши тугади; қишлоқдан четроқ — шу жойга кўчиб келди.

Кеча ховлисида чикса, икки-уч қишлоқдоши дарво-засининг ёнидаги кекса тут тагидаги ўриндикда ўтирволиб, аскияга зўр берган, Холмат чўпон кимнингдир болалигидаги шўхроқ қилиқларини берилиб ҳикоя қила-япти. Хаммани оғзига қаратган. Қизиқ жойларида, дув кулгу кўтарилди. Даврага қўшилди. Гап аскиядан болани қандай тарбиялашга бурилиб, охири тортишув билан тугади. Аввал бошда қўшила олмай турган Собир гапга аралашди. Жини кўзиб турган Холмат чўпонга домланинг гапи тегиб кетди. Унинг хаёлида Собир домла сенлар бола тарбиялашни биласанларми дегандай бўлди. Чўпон жаҳл устида домланинг нозик жойи-

юрак хуружи бўлди. Чап кўксини силаб, қўшни хонага кирди. Кўрпачага чўзиларкан Шарифанинг хирқироқ овози эшитилди. Бошини кўтариб, қулоқ солди. Хотини биров эшитишидан чўчигандек шивирлаб алла айтарди:

«Алла болам, аллаё!...»

Алла болам...»

Қолгани бўғзида аччиқ йиғига қўшилиб кетди.

Уларнинг турмуш курганига мана беш йил бўлибди. Педагогика институтида ўқиб юрган кезлари бир-бирига кўнгли қуйиб, оила қуришди. Тўйдан сўнг иккиси ҳам қишлоқ мактабда дарс бера бошлашди. Икки йилдан сўнг Шарифа ишни ташлади. Бора-бора уйга қамалиб олди... Собир мактабга бориб келади. Авваллари одамлар пичинг гап қилишарди, энди эса юзларига гапирадиган бўлишди.

Собир тун бўйи тўлғониб, ухлай олмади. Тонг қоронғусида ховлига чиқди. Қор ёғибди. Биринчи қор...

Тўй куни ҳам худди эртақлардагидек ер юзини оппоқ қор қоплаган, иккала ёш бахтдан масрур эди. Кунлар ўтиши билан бахтли

дан кўзлари катталашиб, қўллари қалтираб, зўрға гапирди:

— Ким? Кимнинг иши бу?

Хотини ўгирилиб, унинг оёқларига осилди:

— Болам ўрнида болам эди-я.

Собир ғазаб билан яна тақорлади:

— Ким?..

Шарифа йиғлаб, титраган қўллари билан чўпоннинг уйини кўрсатди. Собир шахд билан уйга қараб югурди. Шарифа эса қорда ўтириб, оёқлари билан ер тепиб, хўнграб-хўнграб йиғларди. Собир уйдан ниманидир қидирди. Топди. Ов милтиғи. Қўлига олди-ю ташқарига отилди. Бу тоғли қишлоқда милтиқсиз яшаб бўлмайди, айниқса, қиш чилласида кундузлари ҳам бўри изғийди. Чўпонни-кига кириб борганда остонада ётган катта қора ит ўрнидан туриб, ириллади. Уни кўриб нима бўлганини тушунди. Авваллари чўпон итни ҳечам қўтондан бери олиб келмас эди. Демак, бугун атайлаб олиб келган. У овози борича бақирди:

— Чўпон... Отаман, отиб

## Рубоийлар

Гул севги рамзидир, тикани хижрон,  
Хижроннинг дастидан азоблар жон.  
Бу шундай ҳикматки, хижрон бўлмаса,  
Муҳаббат қадрига етмагай инсон!...

Дардингни дардсизга қилмагин изҳор,  
Сен учун қайғуриб тўкмас ёш зинҳор.  
Бош эгма ҳар кимнинг олдига билки,  
Чўққи бўлсанггина турар мангу қор.

Нафсингни тийгин ва берилма зарга,  
Сотма мардлингни пулу гавҳарга.

Мансаб курсисидан турсанг ҳам баланд,  
Эгилиб таъзим қил чин инсонларга.

Нодонлик охири — яқуни ҳасрат,  
Нодонлик қилмагин — ақлни ишлат.  
Ўзингни асрагин ёмон сўзлардин.  
Хушёр бўлмасликнинг жазоси — кулфат.

Ал-Нажот БОҚИЙ,  
Савдо ва тадбиркорлар қасаба  
уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши  
аъзоси, тадбиркор

## Маънавият кечаси

Қарши туманида «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» деб номланган ижодкорлар анжумани бўлиб ўтди. Муҳайёбону Курбон кизининг «Наврўзингман, онажон» шеърлар тўпламининг тақдимотида ёш шоира ижодига устозлар ва жамоатчилик вакиллари ижобий баҳо беришди. Зулфияхоним издошлари бўлган 40-мактаб ўқувчиси Д.Хидирова, 36-мактаб ўқувчиси Д.Норматова, 39-мактаб ўқувчиси Н.Усмоновлар ҳам тадбирда фаол иштирок этишди. Маънавият кечаси шеърят байрамига айланиб кетди.

Худойберди НАЗАРОВ

## Касаба уюшма спорти



### Футбол беллашувларида...

#### жаҳон чемпионати реферилари

Пойтахтимиздаги «Яккасарой» спорт мажмуида ташкиллаштирилган финал ўйинлари кескин ва мурасасиз курашларга бой бўлди. Учрашувларни халқаро тоифадаги ҳакамлар бригадаси, ўтган йили Африка яшил майдонларида ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионати рефериларидан юртдошимиз Рафаэл Илёсов ҳамда Рустам Саидовлар бошқариб боришди.

Тадбирда Тошкент шаҳар касб-хунар таълими бошқармаси раиси ўринбосари Баҳодир Дадабоев ва Тошкент шаҳар футбол федерацияси раиси Ойбек Қосимов иштирок этиб, бугунги кунда мамлакатимизда спортга қаратилган эътибор ҳамда футболчиларимиз томонидан халқаро майдонларда қўлга киритилаётган ютуқлар ҳусусида тўхталиб, мусобақа иштирокчиларига омад тилашди.

Саралаш мусобақаларидан муваффақиятли ўтиб финалгача етиб келган Учтепа туманидаги Тошкент иқтисодиёт ва сервис ҳамда Олматор политехника касб-хунар коллежлари жамоалари рўбарў келишди. Якуний ҳисоб – 1:3.

Учинчи ўрин совринлари Юнусобод туманидаги Тошкент иқти-

Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бирлашган касаба уюшма кўмитаси ва Тошкент шаҳар футбол федерацияси билан ҳамкорликда тизимдаги академик лицей, касб-хунар коллежлари ўқувчи ёшлари ўртасида футбол мусобақалари ўтказди.

содиёт ва Яккасарой туманидаги Тошкент тижорат ва тадбиркорлик коллежлари жамоаларига топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 19 январдаги «2011 – 2013 йилларда футболнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб хунар таълими бошқармаси тизимидаги 118 та таълим муассасалари ўртасида футбол бўйича турнир ташкил этилди, — деди бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Вали Кочкаров. — Мазкур тадбир уч босқичда ташкил этилди. Биринчи босқичда таълим муассасалари ўртасида 10 минг нафардан зиёд, иккинчи туманлараро босқичда 1800 нафар ва учинчисида 180 нафар ўқувчи ёшлар қатнашди.

Яқинда голиб ва совриндорларга ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда бирлашган касаба уюшма кўмитасининг қимматбаҳо совға ҳамда кўча кубоги топширилди.

Н. МАХАМОВ

Ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, улар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш ҳамда тизимда меҳнат қилаётган меҳнаткашлар, уларнинг оила аъзоларини спортга кенг жалб этиш Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг асосий қоидаларидан бири.

## Энди анъанавий бўлади

Яқинда Ўзбекистон футбол федерациясининг сунъий қопламали майдонида вилоят касаба уюшма ташкилотлари соврини учун йирик корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимлар ўртасида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган мини футбол мусобақалари ўтказилди.

Унда «Чирчиқ Максам» ОАЖ, «Аммофос-Максам» ОАЖ, «Ўзбек-кимё маш» ОАЖ, Янги Ангрен ИЭС, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати, «Бекободцемент», «Ўзметкомбинат», Оҳангарон иссиқлик энергия комбинати, Янгийўл ёғмоя комбинати ҳамда ташкилотчи — Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоалари гуруҳларга бўлинган ҳолда майдонга тушишди.

— Мазкур мусобақа йирик корхона ва ташкилотлар ўртасида биринчи бор ташкил этилиши, — деди голибларни қутлар экан, Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Шухрат Деҳқонов. — Биз кўплаб спорт тадбирлари, спартакиадалар уюштирамиз, лекин бу галги мусобақа улардан кескин фарқ қилди. Учрашувлар жуда кескин ва шиддаткор руҳда ўтди. На-

сиб этса, бу мусобақани анъанавий тарзда ташкил этишни йўлга қўямиз.

Финалда биринчи ўрин «Бекободцемент» (ОАЖ)га насиб этган бўлса, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати (ОАЖ) жамоаси шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди. «Аммофос-Максам» (ОАЖ) жамоаси вакиллари эса учинчи бўлди.

Шунингдек, бир қатор номинацияларда ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар ўз эгаларига топширилди. Хусусан, Денис Ковтун («Аммофос-Максам» ОАЖ), Шухрат Абдурахмонов (Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати), Файрат Абдураззоқов («Бекободцемент» ОАЖ) ларнинг маҳорати муносиб тақдирланди.

Нарзулла МАХАМОВ,  
«Ishonch» мухбири



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

### Муайтай

Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Эронда бўлиб ўтган навбатдаги Осиё чемпионатида муносиб иштирок этишди.

Ушбу мусобақада нафақат Осиё, балки Канада, Австралия, Швеция, Янги Зеландия, Голландия, Нидерландия, Филлипин каби жами 23 мамлакатнинг вакиллари 13 вазн тоифасида рингга кўтарилдилар.


54 кг. вазн тоифасида тошкентлик Шухратбек Ботиров саралаш учрашувларида ироқлик Аҳмад Азез билан куч синашиб, соф галабини қўлга киритди. Ярим финал учрашувларида эса Афғонистон вакили Муҳаммад Жафарунсаинини устидан галаба қозонди.

Финалда Шухратбек эронлик Али Заринфар билан рингга кўтарилди ва кумуш медалини қўлга киритди.

60 кг. вазн тоифасида юртдошимиз Абдулло Худойбердиев

## Тўрт медал

саралаш учрашувларида ироқлик Аҳмед Абборни мағлубиятга учратди. Яримфинал баҳсларида қозғонистонлик Рауан Досбоевдан устун келди. Финал учрашувида эса таиландлик Саксит Срипхун билан куч синашди ва кумуш медал соҳибига айланди. 67 кг. вазн тоифасида Азизбек Назаровга бронза насиб этди. 86 кг. вазн тоифаси-



да қатнашган Жавлонбек Назаров ҳам терма жамоа ҳисобига яна бир медални қўшиб қўйди.

Валижон УМУРЗОҚОВ,  
Ўзбекистон Муайтай  
Ассоциацияси бош  
котибининг ўринбосари

### Оммавийлик

## Малоҳат фестивали

Мамлакатимизда аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни jismoniy тарбия ва спортга янада кўпроқ жалб этиш мақсадида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Яқинда Гулистон шаҳрининг Ёш спортчиларни тайёрлаш вилоят марказида Хотинқизлар кўмитаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вилоят бошқармаси, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан бўлиб ўтган «Аёллар спорт фестивали»нинг вилоят босқичи мусобақалари фикримизга далил бўла олади.

Баҳслар спортнинг дартс, енгил атлетика, стол тенниси, волейбол, гимнастрада, сузиш, шахмат каби турлари доирасида кечди.

Спорт фестивалида шаҳар ва туманлардан ташриф буюрган 520 нафар хотин-қиз иштирок этди. Стол тенниси бўйича (25-34

ёшлилар орасида) Г. Отабоева ва Л. Қодирова (35 ёшдан юқори) голибликни қўлга киритган бўлса, дартсда Р. Зянгуровага тенг келадигани топилмади. Гимнастрада баҳсларида умумжамоа ҳисобида Гулистон шаҳри вакиллари 1-ўринга сазовор бўлишди.

Шахматда эса Ирода Эшонбоева барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олди. Сузишда Лариса Попова барча иштирокчиларни ортда қолдирди.

Шундай қилиб умумжамоа ҳисобида Гулистон шаҳри вакиллари 1-, Гулистон туманилик иштирокчилар 2-, Сирдарё туманиликлар эса 3-ўринни қўлга киритишди.

Мусобақа якунида голиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Баҳодир МАМАТКУЛОВ,  
ЎЗМУ талабаси

### Футбол

## Ютдик, ютқаздик

Осиё кубоги баҳсларида иштирок этаётган Қаршининг «Насаф» жамоаси ўз уйида Иорданиянинг «Ал Файсалий» клубини қабул қилди. Ўйин мезбонларнинг тўлиқ устунлигида ўтди. Вакиллари-миздан Лутфулла Тўраев (28-дақиқа) ва Илҳом Шомуродов (56-дақиқа) муваффақият қўлган бўлса, иорданияликлардан Анус Хижаҳ 76-дақиқада гол киритди. Яқинда 2:1 ҳисоби билан «Насаф» галаба қозонди ҳамда чорак финал йўлланмасини қўлга киритди.

Тошкентнинг «Бунёдкор» клуби меҳмонда Эроннинг «Сепохон» жамоаси билан чорак финалгача чиқиш учун курашди. Ҳали бирор марта бу жамоадан мағлуб бўлмаган «Бунёдкор» шу кунги бўш ўйин намойиш этди ҳамда Осиё чемпионлар лигасини тарк этди. Голлар: Жануарио 28, Иброҳим Туре 33, Ходи Оқилий 69-пен, Славолуб Жоржевич 57.

Содиқ ЭШМАМАТОВ,  
ЎЗМУ талабаси



Муҳаммад КАРИМ олган сурат

## Исландия вулқони «ТИНЧИДИ»

**Бир қатор Европа давлатларида юзлаб авиарейсларнинг бекор қилинишига сабаб бўлаётган Исландиядаги Гримсвотн вулқони отилишдан тўхтади. Исландия метеорология хизмати хабар қилишича, вулқон устида йиғилган кул булутни деярли тарқалиб бўлган.**

Аммо мамлакат вулқоншуносларининг огоҳлантиришича, ҳали севишига эрта. Вулқон яна отилиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Айни пайтда мутахассислар батафсилроқ маълумот олиш учун вулқон жойлашган тепаликка жўнаб кетишган.

Исландиядаги Ватнайекюдл музликлари таркибига кирувчи Гримсвотн вулқони 21 май кунидан отила бошлаган эди. Ундан чиқаётган тунун ва кул устунининг баландлиги 20 километрга етиб, у кейинги юзйилликдаги энг кучли вулқон сифатида қайд этилди. Табиий ҳодиса оқибатида Европа ҳаво йўлларида кўп рақабатли рейслар бекор қилинди. Жумладан, Буюкбританиянинг маълум қисмида мамлакат ички қатновлари ҳам тўхтатилди. 25 май кунини эса Германиянинг Берлин шаҳри аэропортлари ёпилгани ҳақида хабар берилди. Тахминларга кўра, кул булутининг ҳаракат йўналишига қараб, яқин кунларда Полша ва Скандинавияда ҳам парвозлар тўхтатилиши мумкин.



ёғингарчилик даражаси жуда паст бўлгани кўрғоқчиликнинг сабаби сифатида кўрсатилмоқда. Маълумотларга қараганда, Хитойдаги энг узун ва иқтисодий аҳамияти катта бўлган ушбу дарё ҳавзасида бу йилги ёғингарчилик даражаси сўнгги эллик йилги кўрсаткичларга нисбатан ўртача 40 фоизга кам бўлган.

Аввалроқ бундай қаттиқ кўрғоқчиликка Янцзи дарёси сувини тўсиб турувчи «Уч дара» ГЭСининг фаолияти ҳам сабаб бўлган, деган тахминлар илгари сурилган эди. Аммо мамлакат метеорология хизмати мутахассислари бу тахминни тасдиқлашмади.

Экспертларнинг фикрича, тўғон фаолияти ат-

## Хитойда кучли кўрғоқчилик

**Хитой кучли кўрғоқчиликни бошдан кечирмоқда. Мамлакатда сув ҳавзалари ва шולי плантациялари қуриб борапти. Янцзи дарёсидаги «Уч дара» деб номланувчи дунёдаги энг йирик ГЭС ишида ҳам узилишлар бўлиши хавфи мавжуд.**

2011 йилнинг январ-апрел ойлари давомида Янцзи дарёси ҳавзасида

роф-муҳит ҳарорати, намлиги ва бошқа иқлим шароитларига «сезилар-сезилмас» таъсир кўрсатади. «Фикримизча, юзага келган кўрғоқчилик тўғоннинг нотўғри қўлланилиши оқибати эмас, вақтинчалик табиий ҳолатдир», — дейди метеорологлардан бири.

Кучли кўрғоқчилик Янцзи дарёсининг ўрта ва қуйи оқимларига ўз таъсирини ўтказди. Табиий офат туфайли мамлакатнинг марказий Хунан, Хубэй, Цзянси ва Анхой вилоятларида истиқомат қилувчи 10 миллионга яқин аҳоли қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Худуддаги баъзи туманларда ёғингарчилик миқдори одатдиган 80 фоизга камайиб кетган. Ухан шаҳридан 80 км қашага қараганда, 30 апрелдан буён 700 га яқин кема қумга ўтириб қолган.



## Елизавета II орхидеяси

**Тайванлик гулшунослар орхидея гулининг янги турини яратишди ва уни Буюкбритания қироличаси шарафига «Елизавета II» деб номлашди. Қироличанинг Челсида ўтказилаётган йирик гул фестивалига ташрифи чоғида Тайван вакиллари гулни Елизавета IIга совға қилишди.**

Мутахассисларнинг тушунтиришича, гулнинг «шоҳона» тури фанда «Doritaenopsis Sin Yuan Golden Beauty» ва «Pinlong Cheris» деб аталадиган икки турини чапиштириш йўли билан олинган. Гул 2009 йилдаёқ яратилган бўлиб, аммо у 2011 йилдагина Буюкбритания Қироллик боғдорчилик жамиятида қайддан ўтган.

Елизавета II дунёда биринчи бўлиб ўз исми берилган тирик, гуллаб турган орхидеяга эга бўлди. Тахминларга қараганда, «шоҳона» орхи-

дея икки йилдан кейин эркин сотувга чиқади.

Тайван павильони Челси гул фестивали тарихида иккинчи марта ташкил қилинди. Қиролича эса фестивалнинг Тайван қисмига ил бор ташриф буюрган.

Фестивал 28 майгача давом этади. Ташкилотчиларнинг ҳисоб-китобига кўра, унчага кўрғазмага 170 мингдан ортиқ одам ташриф буюради. Гуллар байрамида дунёнинг 16 мамлакатидан 650 ўсимликшунос-мутахассислар қатнашмоқда.

**Олимлар томонидан Мисрда аввал фанга номаълум бўлган 17 та янги пирамида аниқланди. Шунингдек, мингдан ортиқ қадимда уч мингдан ортиқ қадимги манзилгоҳлар ҳам топилган.**

## «Янги» пирамидалар

Мутахассислар саҳролардан бирининг сунъий йўлдошдан олинган тасвирини инфракизил нур диапазонида тадқиқ қилишган. Маълум бўлишича, сунъий йўлдошга ўрнатилган камералар ер остидаги диаметри бир метрдан ошмайдиган объектларни аниқлаш имкониятига эгадир. Олимлар топган объектларнинг кўп қисми жуда ҳам чуқур бўлмаган, балчиқ қатлами остида жойлашган бўлса-да, оддий кўз билан уларни кўриб бўлмас эди.

Топилган пирамидаларнинг иккитаси ҳақиқатан мавжудлиги қазув ишлари жараёнида тасдиқланди.

Бу воқеадан аввалроқ бошқа бир олимлар гуруҳи Миср тарихига оид муҳим кашфиёт қилишган эди. Улар радиоуглерод билан вақтни белгилаш усули воситасида Қадимги Миср тарихида келтирилган воқеалар санасининг тарихий жиҳатдан тўғрилигини исботлашганди.

## «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК

**2011 йил 30 июн кунини аукцион савдоларини ўтказиш**

Савдоларга Тошкент вилояти, Чирчиқ тумани, Амир Темури кўчаси, 7-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги савдо бошқармасининг 2-ҳарбий савдо давлат корхонаси балансидаги 1991й.и\ч, д\р 10ТР664, бошланғич нархи 960 000 сўм бўлган «УАЗ-33031»; 1984й.и\ч, д\р 10ТР667, бошланғич нархи 1 700 000 сўм бўлган «ЗИЛ-130»; 1985й.и\ч, д\р 10ТР663, бошланғич нархи 1 900 000 сўм бўлган «ММЗ-4502»; Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темури Малик кўчаси, 3-«А» уйда жойлашган «Yo'lovchitransservis» ягона хўжалик ҳисобидидаги марказ балансидаги 2003й.и\ч, д\р 01/048ЛВА, бошланғич нархи 9 841 100 сўм бўлган «Нексия Донс»; Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 78-уйда жойлашган Травматология ва ортопедия илмий текшириш институтининг 1996й.и\ч, д\р 01/874НВА, бошланғич нархи 4 803 600 сўм бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситалари қўйлади.

Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридан зақалат пули «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУКнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо қолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган зақалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани

шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунидан соналмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шоҳ кўчаси, 16-«А» уй.

Алоқа телефони: 233-23-49, факс: 233-23-40, электрон почта: P\_A\_DUK@mail.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйининг д\р 10АА251 бўлган «ГАЗ-32210» — 9 800 000 сўмга; Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» жамоат фонди «Дўрмон ижод уйи» балансидаги д\р 10/497ДАА бўлган «Тико» — 3 000 000 сўмга; Суд департаментининг Тошкент вилоят худудий Бошқармасининг д\р 10ВФ237 бўлган «ГАЗ-3102040» — 3 450 000 сўмга; Юнусобод тумани, Ҳасанбой мавзеси, ТХАЙда жойлашган сатҳи 0,04 га бўлган 10 та ер участкаси 4 900 000 сўмдан; 26 та ер участкаси 5 250 000 сўмдан; 13 та ер участкаси 5 600 000 сўмдан; 1 та ер участкаси 5 950 000 сўмга; 19 та ер участкаси 5 100 000 сўмдан; 24 та ер участкаси 5 500 000 сўмдан; 7 та ер участкаси 5 900 000 сўмдан ҳамда Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Неймат кўчасида жойлашган сатҳи 0,03 га бўлган 3а-сонли ер участкаси 12 000 000 сўмга; 4а-сонли ер участкаси 10 500 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

**Қадимий ва ҳамиша навқирон гўзал Бухоронинг сўлим гўшаларидан бирида жойлашган «Нефтегазқурилиштаъмир» ОАЖга қарашли «Мовий гулхан» болаларни ёзеги соғломлаштириш оромеоҳи 2011 йил ёз мавсумида талабномалар қабул қилади ва йўлланмалар сомади.**



Соғломлаштириш мавсуми 3 сменада ташкил этилиб, ҳар бир смена 12 кундан иборат. Мавсумнинг бошланиши 2011 йил 3 июн.

Йўлланманинг баҳоси 99547 сўм. Қиймати 5 мартали оқитланиш, Бухоро шаҳрининг тарихий жойларига саёҳатга чиқиш, бассейн, маданий-спорт ўйинлари киради.

**Манзил: Бухоро тумани, Работикалмоқ ҚФЙ, Саханг қишлоғи.**

**Тел: ( 8 365) 774-07-16, 190-64-23.**

**Собир Раҳимов туман ҳокимиятидан рўйхатдан ўтган «Mustang qurilish ta'miri» МЧЖга тегишли № 004036 рақамли гувохнома йўқолганли сабабли бекор қилинади.**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси Тошкент Давлат техника университети проректори, профессор К.Норқуловага турмуш ўртоғи, Тошкент Давлат Аграр университети проректори, профессор **Абдуқодир НОРҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши ва Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси жамоалари Косон туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи **ҲАКИМ БОБОРАЖАБОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги масъул ходими Йўлдош Саидовга турмуш ўртоғи **ШАҲРИНИСО** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қашқадарё вилоят касаба уюшма китлотлари бирлашмаси ва тармоқ касаба уюшмалари кенгаши жамоалари Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ходими Йўлдош Саидовга турмуш ўртоғи **Шаҳринисо ҚУЛДОШЕВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Кўпчиликдан нимадан кўрқасиз, деб сўралганда ёлғизликдан, ёлғиз қолишдан, деган жавобни эшитамиз. Нега ёлғизликдан бунчалар кўрқамиз? Ёлғизлик ўзи нима? Валдемар Бонзел: «Ёлғизликни севиш керак. Фақат угина бизни фикрлашга ўргатади», деган эди. Немис файласуфи Шопенгауэр эса «Ҳамма кўнгилсизлигимизга сабаб ёлғиз қололмаслигимиздир. Ёлғизликда ожиз ўз ожизлигини, буюк зехн эгаси ўз буюклигини, ҳар ким ўзини ўз аслича ҳис қилади», дея фикр билдирган. Дарҳақиқат, ёлғизлик инсон ўзини кашф этиши, ўй-хаёллари, мақсадлари, туйғуларини тафтиш қилиши, қалбига қулоқ солиши учун имкон. Ёлғизлик ўтаётган умрга назар ташлаш, сарҳисоб қилиш учун фурсатдир.

Рухият



Аммо доимий ёлғизлик фожиа. Навоий ҳазратлари «Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас», деб таърифлаганидек, биз хоҳлаган, талпинган одамлар ёнида бўлиш насиб этмаса, яқинларимиздан йироқда бўлсак ёхуд шу сўзининг туб луғавий маъносидек олдимизда ҳеч ким бўлмаса, фақат шу ёлғизликми? Катта даврада, одамлар қуршовида ҳам ўзни ёлғиз ҳис этиш

кучли онага, тўлақонли оилага муҳтож бўлади. Ёнида шундай онаси борлигини ҳис қилишнинг ўзиёқ фарзандга ишонч беради. Лекин ҳаёт синовларидан қадди эгилган, эридан рўшнолик кўрмаган она қалбидаги ёлғизлик ҳисси маълум даражада фарзандларига ҳам ўтади. Моддий топишлар ҳар доим ҳам ёрдам беролмайди. Балоғат даври учун ҳижоабчилик, инжиқлик ва ёлғиз қолишга интилишни

Ёлғизликни енга олган кучлидир.

Ф.Шиллер

# Ёлғизлик

мумкинми? Баъзи инсонларнинг ўрнини ҳеч ким босолмас-чи? Бутун вужудингиз кўз бўлиб уни ахтарсангиз-чи? Ёлғизлик бўм-бўш уйда бир ўзингиз дегани эмас, балки шовқин жойда, қувноқ одамлар орасида ҳам ўзингни бегонадек сезишингиздир.

Манбаларда келтирилишича, ёлғизлик ҳам турларга бўлинади. Булар: аниқ ва ноаниқ. Биринчисидан инсон гаплашиш, мулоқотда бўлишни хоҳлайди. Аммо бунинг имкони йўқ. Робинзон Крузо ҳаёти бунга мисол. Иккинчисидан киши доимий атрофдагилар қуршовида бўлади, улар билан суҳбатлашади, жамоат ишларида қатнашади. Бир қарашда бошқалардан фарқ қилмайди. Бироқ аниқ дамда ўзини ёлғиз сезади. Бу инсонларнинг барчаси бегонадек, уларга боғлиқлиги йўқдек туюлади.

### ИЛДИЗИ КАЕРДА?

Боғча ёшидаги ёки энди мактабга қадам қўйган болакайлар орасида одамови, ёлғизликни хуш кўрувчилар учраб туради. Уларда нима ташвиш бор, нега бунақа бўлиб қолишган, деган фикр ҳам хаёлингиздан ўтади. Аммо масаланинг илдизи айнан шунда. Психолог Муяссар Аҳмедова сўзларига кўра, гўдаклигиданок, айниқса, эс-ҳушини таний бошлаши билан фарзанд биринчи навбатда меҳрибон, ғамхўр,

кўпчилик одатий ҳол деб ҳисоблайди. Чунки айнан шу пайтда ўсмир организмда биологик ўзгаришлар бўлиши билан бир қаторда, руҳиятида ҳам олдин кузатилмаган ҳоллар рўй беради. Янги туйғулар, ҳиссиётларга дуч келган ўсмир уни тушунадиган одам йўқдек сезади ўзини. Ота-онаси билан ҳам келишмовчиликлар юз беради. Психолог фикрича, фарзанди бундай даврни бошдан кечираётган ота-оналар сабрлироқ, эътиборлироқ бўлишлари, уни тушунишга, дўстона мулоқотда бўлишга ҳаракат қилишлари керак.

### ЭРТАК

Узоқ-узоқ мамлакатда, ер қуррасининг сўнггида бир қаср бўлиб, даҳшатли махлуқ Ёлғизлик унинг эгаси экан. Не-не азаматлар махлуқ асираси бўлмиш гўзал санамни қутқариш ва шон-шухратга эришиш мақсадида унинг тинчини бузишаркан. Малика бутун умрини шу қасрда ўтказиб, бу оламдан бошқаси борлигини билмас экан. Қасргача етиб келган Шаҳзодалар Маликани озод қиламиз деб, Қувонч Қироллигига олиб кетамиз, деб ваъда беришаркан. Ёлғизлик у хоҳлаган вақтда кетиши мумкинлигини айтса-да, Малика рози бўлмас, унга шу ер ёқар, эски қасрнинг қалин деворлари ортида уни умидсизлик, ғам-қайғу кутадиған-

дек туюларкан. Қанча Шаҳзодалар келдилар, кетдилар. Ёлғизликни жангга чорладилар, мағлуб бўлдилар.

Кунлардан бир кун Малика қаршисида ўқтам бир йигит пайдо бўлди. У ҳеч нарса ваъда қилмади. Шунчаки Маликанинг хонасига кириб, қўлидан тутди. Шу онда Малика дунёда мўъжизалар рўй бериши мумкинлигини тушунди.

- Кимсан?
- Ишончман, Меҳр Қироллигидан келдим.
- Мени олиб кетиш учунми?
- Ўзинг буни хоҳласангизгина.
- Махлуқдан кўрқмайсанми?
- Ишонч бор жойда ёлғизлик ортга чекинади.

Бу бир эртак, холос. Аммо ёлғиз қолишимизга баъзан ўзимиз сабабчи бўламиз. Зеро, психологлар таъкидлашича, унга олиб келувчи руҳий омиллар сирасига: атрофдагиларга ишончсизлик, ўз-ўзини баҳолашнинг пастлиги, одамлар билан мулоқотда бўлишдан қочиш, омадсизликка учраш, рад жавоби олишдан кўрқиб қабилар киради.

### ЁЛҒИЗЛИК УМРИНИ КИСКАРТИРАДИ...МИ?

Ёлғизлик фақат руҳий ҳолат, унинг инсон саломатлигига таъсири йўқ, десак адашамиз. Умрни ёмон одатлар, нотўғри овқатланиш, жисмо-

ний ҳаракатнинг камлиги ва ёлғизлик ҳисқартиради. Охириги ҳақида бир неча юз киши иштирок этган тадқиқот натижаларини ўрганган ғарб олимлари шундай хулосага келишди: ёлғиз кишилар бошқалардан кўра уч йил камроқ яшашар экан. Бунга сабаб қилиб олимлар узоқ муддат тушкун кайфият (депрессия)да юриш, ёнида қўллаб-қувватловчиларнинг йўқлигини кўрсатишди. Ёлғиз одамлар муаммоларни ҳеч қандам руҳий ёки моддий ёрдамсиз, маслаҳат-ўғитларсиз қарши олишади. Бу соғлиққа ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Хўш, ёлғизлик нима? Яхшими, ёмонми? Ўз амалларимизни сарҳисоб қилишни ўргатувчи дўстми? Рухимиз ва соғлигимизга зарба берувчи душманми? Ёнингизда нодон ҳамроҳ бўлгандан ёлғиз бўлган яхшироқ дейишади. Яқинларсиз, дўстларсиз ўтказилган умрни ҳеч ким тиламайди дейишади. Нима бўлганда ҳам ёнимиздагилар қадрига етайлик. Улар ўзларини ёлғиз ҳис этишларига йўл қўймайлик. Айни дамда, ўзимиз ҳам ҳаётни севиб, эртақдагидек ишончга кўл чўзиб, бахтиёр яшайлик.

Шоҳсанам НИЁЗОВА,  
ЎзДЖТУ талабаси

## Чотқол кўрикхонасининг хушманзара доирасида жойлашган

### Болалар соғломлаштириш оромгоҳи

## «КОНСТРУКТОР»

2011 йил ёз мавсумига талабномалар қабул қилади ва йўлланмалар сотади.

Соғломлаштириш мавсуми 4 сменада ташкил этилиб, ҳар бир смена 15 кундан иборат.

Мавсумнинг бошланиши — 14.06.2011 й.

Йўлланманинг баҳоси 230 минг сўм.

Қийматига 5 мартали овқатланиш, тоғларга сафарга чиқиш, бассейн, бўш вақтда маданий-спорт ўйинлар киради.

Йўлланмаларни улгуржигга олувчиларга чегирма билан сотилади.



Манзил: Олмазор тумани, Ғалаба-1. Тел. 248-15-01; 248-10-03

Газетанинг навбатдаги сони 31 май, сешанба куни чиқади.



oliy baxt

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир: Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир хайъати:

Normamat ALLAYOROV,  
Nosirxon AKBAROV,  
Muhammad Ali AHMEDOV,  
Oksana BELAUSOVA,  
Dovud MADIYEV  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Baxtiyor MAHMADALIYEV,  
Sog'indiq NIYETULLAYEV,  
Eson RAJABOV,  
To'liqin TESHABOYEV,  
Jahongir SHAROFBOYEV  
(Mas'ul kotib),  
Anvar YUNUSOV

Бизга кўнгирак қилинг:

Котибият: 256-52-78  
Хатлар бўлими: 256-85-43

Вилоят муҳбирлари:

Андижон + 99897 465 05 68;  
Бухоро + 99893 653 50 81;  
Жиззах + 99872 360 00 10;  
Навоий + 99893 725 46 40;  
Наманган + 99897 491 79 27;  
Самарқанд + 99866 933 25 04;  
Сурхондарё + 99897 458 05 07;  
Фарғона + 99891 679 32 79;  
Қашқадарё + 99897 414 30 78  
Қорақалпоғистон Республикаси  
ва Хоразм + 99862 562 56 75;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар h белгиси остида чоп этилади.

E-mail: ishonch 2011@gmail.com

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ISSN 2010-5002 17720104000001

Навбатчи муҳаррир:

Ж.Шарофбоев

Навбатчи:

А.Арслонов

Мусаҳҳиҳ:

Н.Махамов

Саҳифаловчи-

дизайнер:

Ҳ.Абдуҷалилов

Босишга топшириш вақти - 21.00

Топширилди - 22.20

Буюртма Г— 551

Тиражи: 20225

2 3 4 5